Юқорида олинган формулар тизимни сифат кўрсаткичларини хисоблашга ёрдам беради, биз тизимга келиб тушадиган сўровномани навбатга жойлашиши эҳтимоллигини аниқлашга ёрдам берадиган бир формулани келтириб ўтамиз. Буюртмани навбатга олиш эҳтимоллиги Эрлангни С-формуласи ёрдамида топилади [9]:

$$C(m, \lambda / \mu) = \frac{\left( \frac{(A)^m}{m!} \right) \left( \frac{1}{1-A/m} \right)}{\left[ \sum_{k=0}^{m-1} \frac{(A)^k}{k!} + \left( \frac{(A)^m}{m!} \right) \left( \frac{1}{1-A/m} \right) \right]}, A = \frac{\lambda}{\mu} \quad (4)$$

*M/M/m/0 турдаги ОХКТ*

Ушбу тизимда тада хизматкүрсатиши курилмаси мавжуд, хотира эса йўқ.

Каналлар коммутацияси асосида қурилган қурилмаларни ушбу M/M/m/0 тизими ёрдамида моделлаштириш мумкин. Ўтиш параметрлар қуйидагича:


$$\lambda_n = \begin{cases} \lambda, & n < m \\ 0, & n \geq m \end{cases}$$

$$\mu_n = n\mu, \quad n = 1, 2, 3, \dots, m. \quad (5)$$

2 расмда келтирилган ўтишлар диаграммаси ёрдамида холатлар эҳтимолликларини топамиз:

$$p_k = p_0 \prod_{i=0}^{k-1} \frac{\lambda}{(1+i)\mu} = p_0 \left( \frac{\lambda}{\mu} \right)^k \frac{1}{k!}, \quad k \leq m, \quad (6)$$

$$p_0 = \left[ \sum_{k=0}^m \left( \frac{\lambda}{\mu} \right)^k \frac{1}{k!} \right]^{-1}. \quad (7)$$



2-расм M/M/m/0 туридаги ОҲҚТ учун ўтишлар диаграммаси.

Буюрмаларни йўқолиш эҳтимоли Эрлангнинг В-формуласи ёрдамида топилади[9]:

$$P_B = E_B(m, A) = p_m = \frac{\frac{A^m}{m!}}{\sum_{k=0}^m \frac{A^k}{k!}}, \quad A = \frac{\lambda}{\mu} \quad (8)$$

### Назорат учун саволлар

1. Ўтишлар диаграммаси.

2. Кўп каналли ОХКТ турлари.
3. Буюртмаларни йўқолиш эҳтимолини хисоблаш.
4. Баланс тенламасини тузиш.
5. Кўп каналли ОХКТ кўрсаткичлари.
6. To'plamlarni yuqolishi ehtimolligini aniqlash.
7. Chegaralangan ОХКТ kabi telekomunikatsion tizimlarni modellashtirish misollari.

### **Адабиётлар**

1. Алиев Т.И. Основы моделирования дискретных систем. – СПб.: СПбГУ ИТМО, 2009.– 363 с.
2. Крылов В.В., Самохвалова С.С. Теория телетрафика и её приложения.- СПб.: БХВ-Петербург, 2005. – 288 с.
3. Степанов С.Н. Основы телетрафика мультисервисных сетей.- М.: Эко-Трендз, 2010.– 392 с.
4. Ложковский А.Г. Теория массового обслуживания в телекоммуникациях.- Одесса: ОНАС им. А.С. Попова, 2012. – 112 с.
5. Клейнрок Л. Теория массового обслуживания: Пер. с англ. – М.: Машиностроение, 1979. – 432 с.

## **6-МАРУЗА**

### **Имтиёзли ОХК тизими модели**

Режа :

1. Имтиёзли ОХКТ ни синфларга ажратилиш (классификацияси)
2. Нисбий имтиёзга эга бўлган ОХКТ нинг модели
3. Абсолют имтиёзга эга бўлган ОХКТ нинг модели
4. Сақлаш қонуни.

Хизма кўрсатиш тартиби – навбатдаги қайси талабга хизмат кўрасатилиши лозимлигини аниқлаш йўли хисобланади . Ечим, қўйидаги пастда келтирилган бирон-бир характеристикалар ёки уларнинг маълум бир тўпламига асосланиши мумкин :

- 1) Күриб чиқилаётган талабни навбатга келиб тушиши вақтини нисбий ечими ўлчами ;
- 2) Хизмат кўрсатишга керак бўладиган ёки қабул қилинадиган вақт ўлчами ;
- 3) Талабни бир гурухга ёки бошқа бир гурухга мансублигини белгилайдиган функция .

Хизмат кўрсатиш тартибида мисол сифатида доимо ишлатиладиган модель “ биринчи келганга-биринчи хизмат кўрсатиш ” (FCFS-first come-first served) , рус адабиётларда айтилишича ( келиб тушиш тартиби бўйича хизмат кўрсатиш ) – ОПП. Ушбу ерда хизмат кўрсатилиш тартибини турли хилдагиларини келтириб ўтамиз.

ОПП-келиб тушиш тартиби бўйича хизмат кўрсатиш(FCFS);

ООП- тескари тартибда хизмат кўрсатиш , охирги келиб тушган сўровга биринчи бўлиб хизмат кўрсатиш (LCFS);

ПК- биринчи навбатдаги хизмат кўрсатиш талаблари қисқа муддатлар билан (SPT/SJE);

ПКД- биринчи навбатдаги хизмат кўрсатиш талаблари қисқа муддатли , хизмат кўрсатишдан аввалги (SRPT);

ПКС- биринчи навбатдаги хизмат кўрсатиш талаблари ўртача қисқа муддатлар билан (SEPT);

ПКСД- биринчи навбатдаги хизмат кўрсатиш талаблари ўртача қисқа муддатлар билан , хизмат кўрсатишдан аввалги

ПКОВ- биринчи навбатдаги хизмат кўрсатиш талаблари мажбурий қисқа вақт билан (SIPT).

Агар хар бир тартибни ўртача кутиш вақтлари билан жуфт равища солиширадиган бўлсак , у холда  $D_1$  тартиби учун ўртача кутиш вақти  $D_2$  тартибга қараганда, ўртача кутиш вақти кўпроқ , ёки teng эканлигига келишимиз мумкин , шунга кўра  $D_2$  тартиб учун қуйидаги диаграммани хосил қилишимиз мумкин булади , яъни  $D_1 \rightarrow D_2$  учун

ПО → ОПП → ПК → ПКД

↓↑

↓→ ОП →→→→↑

Шундай қилиб , турли хизмат кўрсатиш тартиблари учун предмет сифатида навбатда ўртача кутиш вақтини хисобини ёки тизимдаги ўртача бўлиш вақтини хисобини олишимиз мумкин бўлади .

Фараз қилайлик , талаблар Р хилдаги турли хил имтиёзлар синфига тегишли бўлсин , уларни индекслари мос равища  $p=1,2,3\dots P$ . Хар бир талаб учун ,

тизимдаги  $t$  момент вақти учун мос равишда  $q_p(t)$  имтиёзли функция тайинланган бўлсин. Ушбу функцияни қиймати қанча катта бўлса , талабнинг имтиёзи хам шунча катта бўлаверади. Хизмат кўрсатиш учун хар сафар талаб танлашда, имтиёзли функцияни энг катта қийматига қараб талаблар фойдасига қараб танлов амалга оширилади . Оддий холатда бўлса имтиёзли функция сифатида фақат  $p$  қиймати танланади . Бундай холатда талаб имтиёзи шунчалик баланд бўлса, синфларнинг рақами сони шунчалик кўпайиб тегишли бўлиб боради. Умумий модельни кўриб чиқамиз , M/G/1 тизимиға асосланган . Тасаввур қиласиз  $p$  имтиёзли талаблар секундига  $\lambda_p$  интенсивлигидаги Пуассон оқимини хосил қилаётган бўлсин. Хар бир талабнинг хизмат кўрсатиш вақти ушбу синфдан танлаб олинади, бунда  $b_p(x)$  ўртacha қиймати эҳтимоллик зичлигига боғлиқ бўлмаган холатда бўлади.

$$\overline{x_p} = \int_0^\infty xb_p(x)dx$$

Кейинги тенгликларни киритамиз :

$$\begin{aligned}\lambda &= \sum_{p=1}^P \lambda_p, \\ \bar{x} &= \sum_{p=1}^P \frac{\lambda_p}{\lambda} \bar{x}_p, \\ \rho_p &= \lambda_p \bar{x}_p, \\ \rho &= \lambda \bar{x} = \sum_{p=1}^P \rho_p.\end{aligned}$$

бу ерда  $p$  вақтни бир қисми сифатида талқин қилинади, сервер бу вақт давомида банд бўлади ( $p>1$ ) хар бир порциал коэффицентлар  $p_p$  –вақт бир қисми сифатида яъни сервер бу пайтда  $p$  рақамали имтиёзли синфдаги завявкаларга хизмат кўрсатаётган бўлади .

Агар талаб хизмат кўрсатилаётган жараёнда сервердан ўчириладиган бўлса ва каттароқ имтиёзли талаб келиб тушганида навбатга қайтарилса , тизим абсолют имтиёз билан ишляпти деб айтилади , агар сервердаги хар қандай талабга хизмат кўрсатишни тўхтатиб бўлмаса бундай оммаваий хизмат кўрсатиш тизимини нисбий имтиёз билан ишламоқда деб айтилади.

## Ўртacha кутиш вақтини хисобининг асосий модели

$p$  -  $W_p$  имтиёзли синфдаги талабнинг навбатда турган ўртача кутиш вақтини хамда худди шу синфдаги талаб учун тизимдаги ўртача бўлиш вақти -  $T_p$  куйидаги тенглик орқали белгилаб олишимиз мумкин :

$$T_p = W_p + \bar{x}_p$$

Асосий эътиборни нисбий имтиёзга эга бўлган тизимларга қаратамиз.  $p$  синфдаги имтиёзли талабни келиб тушиш моментидан бошлаб кўриб чиқа бошлаймиз. Энди эса бу талабни нишонли(белгиланган, “меченый”) дея атай бошлаймиз. Нишонли талабнинг кутиш вақтини ташкил этувчи сервердаги айни дамда мавжуд бўлган талабни топади. Бу ташкил этувчи бошқа хизмат кўрсатилаётган талабнинг қолдик вақтига тенг бўлади. Белгилаб оламиз ва буни кейинчалик яна ишлатамиз , нишонли талабнинг ўртача кечикиши бошқа бир хизмат кўрсатилаётган  $W_0$  талаб билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Хар бир синф учун қўшни киравчи талабларни вақт тақсимотларини билган холда, хар доим бу қийматни хисоблашимиз мумкин. Бизнинг тахмин учун эса хар бир синфдаги Пуассон тақсимотли оқимларни қўйидагича ёзишимиз мумкин бўлади :

$$W_0 = \sum_{i=1}^P \rho_i \frac{\bar{x}_i^2}{2x_i} = \sum_{i=1}^P \frac{\lambda_i \bar{x}_i^2}{2}$$

Нишонли талаб учун иккинчи кутиш вақти тақсимоти, хар бир нишонли талаб олдидан бошқа талабларга хизмат кўрсатилади, яни бунда нишонли талаб навбатда бўлган талабни учратиши лозим бўлади,  $i$  синфидағи талаблар сонини белгилаб оламиз. Бунда  $p$  синфидағи нишонли талаб навбатда бўлган талабни учратган бўлади ва ундан олдин  $N_{ip}$  га хизмат кўрсатилган деб олинади. Ушбу соннинг ўртача қиймати кутиш тақсимотининг ўртача қийматини англаради .

$$\sum_{i=1}^P \bar{x}_i \bar{N}_{ip}$$

Учинчи ташкил этувчи талаблар билан боғлиқ бўлиб , нишонли талаб келиб тушгандан сўнг , бунда хизмат кўрсатиш аввалроқ амалга оширилган бўлади.

*Mip*

Бундай талабларни каби белгилаймиз. Бундай ташкил этувчини ўртача кечикишини қўйидаги формула орқали аниқлаймиз :

$$\sum_{i=1}^P \overline{x_i M_{ip}}$$

Учта ташкил этувчини жамлаган холда, нишонли талаб учун навбатдаги ўртача кутиш вақтини формуласини хосил қиласиз :

$$(*) W_p = W_0 + \sum_{i=1}^P \overline{x_i} (\overline{N_{ip}} + \overline{M_{ip}}), \quad p = 1, 2, \dots, P$$

Хизмат күрсатиш тизимидан қатый назар талаблар сони ,  $N_{ip}$  ва  $M_{ip}$  тизимда тартибсиз бўла олмайди , шунинг учун ставкалар мажмуи бор. Улар имтиёзга эга бўлган талабларни бир бири билан боғлади . ОҲҚТ лари учун ушбу боғланишларни САҚЛАНИШ ҚОНУНИ деб атасимизга олиб келади . Ушланиб қолишлар учун сақланиш қонунининг асосий омили бу, ОҲҚТ тизимидағи тугалланмаган иш жараёни турли интерваллардаги хизмат күрсатишдаги кетма кетликга боғлиқ эмаслигини күрсатади, агар тизим консерватив бўладиган бўлса ( талаблар тизимнинг ичидаги ёқолиб кетмайди ва серсер хам навбатни кутиб турмайди яъни бўш бўлмайди ). Кутиш вақтининг тақсимланиши эса сезиларли даражада хизмат күрсатишнинг тартиби боғлиқ бўлади, агар хизмат күрсатиш тартиби талабларни хизмат күрсатиш вақтига боғлиқ бўлмаган холда олса, талабларнинг тақсимланиши ва тизимдаги кутиш вақти хизмат күрсатиш тартибини инвариантлиги асосида олиб борилади .М/G/1 турдаги ОҲҚТ учун , хизмат күрсатиш тартибини қуидагича белгилаб беришимиз мумкин бўлади :

$$\sum_{p=1}^P \rho_p W_p = \overline{U} - W_0$$

Ушбу тенгликнинг умумий маъноси қуидагича: ушланиб қолишлар вақтининг умуммий суммаси бир хил бўлиб қолаверади , чунки ўнг томонда бажариб бўлинммаган иш фарқи ва хизмат күрсатиш учун қолган вақт келтирилган . Агар кириш оқимини Пуассон характерли деб фараз қилсак, бажариб бўлинммаган иш учун тенгликни қуидагича ёзсан бўлади :

$$\overline{U} = \frac{W_0}{1 - \rho}$$

Уни олдинги тенглиу ўрнига қўядиган бўлсак , олдинги М/G/1 типли ОҲҚТ нинг сақланиш қонуни келиб чиқанини кўрамиз.

Энди эса хизмат күрсатишнинг навбатда имтиёзга эга бўлган ОҲҚТ ни ўртача кутиш вақтини имтиёзли функция орқали аниқлаб оламиз :

$$q_p(t) = p$$

1-расмда ОХКТ нинг ишлаши келтириб ўтилмоқда, қуидаги хизмат кўрсатиш тартиби билан: келаётган талаб навбатдан чапга қўйилади катта ёки тенг имтиёзга эга бўлган талаб билан .



1-расм ОХКТ нинг хизмат кўрсатиш тартиби имтиёзга нисбатан

$W_p$  формуласидан фойдаланамиз, механизминг ишлашидан келиб чиқсан холда қуидагиларни ёзсак бўлади :

$$\begin{aligned}\overline{N_{ip}} &= 0, \quad i = 1, 2, \dots, p-1, \\ \overline{M_{ip}} &= 0, \quad i = 1, 2, \dots, p.\end{aligned}$$

Барча талаблар юқорироқ имтиёзга эга бўлгани учун , нишонли имтиёзга қараганда олдинроқ хизмат кўрсатилади. Литтл формуласидан навбатда бўлган ісинфидағи талаблар қуидагича бўлади :

$$\overline{N_{ip}} = \lambda_i W_i ; \quad i = p, p+1, p+2, \dots, P.$$

Нишонли талаб навбатда ўртача  $W_p$  секунд турадиган бўлса, у холда талабларнинг сони қуидагига тенг бўлади :

$$\overline{M_{ip}} = \lambda_i W_p$$

Формуладан қуидагини хосил қиласиз :


$$\begin{aligned}W_p &= W_0 + \sum_{i=p}^P \overline{x_i} \lambda_i W_i + \sum_{i=p+1}^P \overline{x_i} \lambda_i W_p, \\ W_p &= \frac{W_0 + \sum_{i=p}^P \rho_i W_i}{1 - \sum_{i=p+1}^P \rho_i}.\end{aligned}$$

Бу тенгламалар системаси реккурент тарзда ечилиши мумкин , яъни  $W_1, W_2$  ва бошқалар

$$(**) \quad W_p = \frac{W_0}{(1 - \sigma_p)(1 - \sigma_p)}$$

$$\sigma_p = \sum_{i=p}^P \rho_i$$

Олинган формулалар барча имтиёзли синфлар учун хизмат кўрсатиш характеристикаларини хисоблашга ёрдам беради. 2-расмда ОХКТ да нормаллаштирилган катталик навбатда кутиш вақтини 5 та имтиёз синфига эга бўлган, хар бир синфдаги талаблар учун оқим интенсивлиги бир хиллик асосида бўлган, хар бир синфдаги талабнинг ўртacha хизмат кўрсатиш вақтига боғлиқлиги кўрсатилган ( юклама қиймати кичик бўлган пайтдаги жараёнлар пастдаги расмда акс этган )



2-расм Имтиёзли хизмат кўрсатиш тартиби нисбий устуворлик бўлган шароитда ( $P=5$ ,  $\lambda_P = \lambda/5$ ,  $\bar{x}_P = \bar{x}$  )

Кутиш вақти тақсимоти қонунларини ишлаб чиқиш махсус вазифаларни талаб этади. Энди эса тизимни абсолют имтиёзга эга бўлган хамда хизмат кўрсатиш давомида олдиндан хизмат кўрсатилиш пайтини қўриб чиқа бошлаймиз. Амалдаги ёндашув кейинги мухокама учун бутунлай ўхшаш бўлишини таъкидлаш зарур. Нишонли талабнинг тизимдаги ўртacha ушланиши хам учта ташкил этувчидан иборат бўлади: биринчи ташкил этувчи – ўртacha хизмат кўрсатиш вақти, иккинчи ташкил этувчи – кечикиш бунда албатта хизмат кўрсатишдаги талабларнинг имтиёлари юқори ёки паст бўлишига

қараб ажратилади, нишонлаш талаби тизимда заявка бўлиши назарда тутилмоқда . Учинчи ташкил этувчи – хар қандай талаблар учун нишонли талабларнинг ўртача кечикиш вақти, бунда нишонли талаб хали тизимдан кетишидан олдин ва бунда у қатъий катта имтиёзга эга бўлиши . Барча уччала ташкил этувчиларни бирга ёзиб чиқадиган бўлсак, қуйидагича қўринишга эга бўламиз :

$$T_p = \overline{x_p} + \frac{\sum_{i=p}^P \lambda_i \overline{x_i^2} / 2}{1 - \sigma_p} + \sum_{i=p+1}^P \rho_i T_p = \frac{\overline{x_p} (1 - \sigma_p) + \sum_{i=p}^P \lambda_i \overline{x_i^2} / 2}{(1 - \sigma_p)(1 - \sigma_{p+1})}$$

Қизик томони шундаки имтиёзга эга бўлган турли синфдаги заявкаларни танлаш жараёни хисобланади. Чунки бу ўринда сақланиш қонуни мавжуд бўлади, хар бир синфдаги талабларни қўшимча атрибуларини хосил қилишда оптималлаштириш зарур бўлади. Тасаввур қилайлик хар бир Р имтиёзли синфига мансуб заявкани кечикиши секундини ва  $C_p$  қийматини хисоблай олишимиз мумкин бўлсин. Унда тизимда бўлган, кечикиш секундининг ўртача қийматини, хар бир синфдаги заявкаларнинг ўртача сони орқали ифодалшимиз мумкин бўлади.

$$\begin{aligned} \overline{N_p} &= \lambda_p T_p = \lambda_p (W_p + \overline{x_p}); \\ C &= \sum_{p=1}^P C_p \overline{N_p} = \sum_{p=1}^P \rho_p C_p + \sum_{p=1}^P C_p \lambda_p W_p. \end{aligned}$$

Нисбий имтиёзга эга бўлган M/G/1 тизими учун хизмат қўрсатиш тартибини аниқлаш муаммосини хал қиласиз, бунда С кечикишнинг ўртача қийматини минималлаштиради. Р имтиёзга эга бўлган синфли хамда берилган келиш интенсивлигига эга бўлган ва ўртача хизмат қўрсатиш вақтига эга бўлган заявка бўлсин . Чап томонга доимий суммани ўтказамиз , ўнг томонда бизга маълум бўлган параметраларни ўчириб ташлаймиз , бунда

$$C - \sum_{p=1}^P \rho_p C_p = \sum_{p=1}^P \left( \frac{C_p}{\overline{x_p}} \right) (\rho_p W_p).$$

куйидаги тенгликга келинади . Бу холатда бизга асосий вазифа сифатида ўнг тарафдаги суммани минималлаштириш қўйилади, бунда хизмат қўрсатиш татиби албатта қўрсатилган бўлиши керак бўлади, чунки Р индекслар кетма кетлиги танлови мавжуд бўлмайди . Қуйидаги белгилашни киритамиз :

$$f_p = \frac{C_p}{\overline{x_p}}; \quad g_p = \rho_p W_p$$

Ушбу тенгликлар қуидаги күринишга келган бўлади яни , талаблар учун суммани минималлаштириш лозим бщлади бунда шарт қуидагича бўлади :

$$\sum_{p=1}^P f_p g_p \rightarrow \min : \sum_{p=1}^P g_p = const$$

$G_p$  функцияси учун мустақиллик холати хизмат кўрсатиш тартибини танлашдан иборат бўлиб сақланиш қонуни орқали аниқланади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, икки функцияни эгри майдон остида минималлаштириш десак бўлади, фаразимизда уларнинг майдони эгри равища бўлади . Муаммони хал этилиши кетма-кет қийматларни тўғри танлашдан иборат бўлади  $f_p$ :  $f_1 \leq f_2 \leq \dots \leq f_P$ .

Хар бир  $f_p$  учун ўзининг  $G_p$  қийматини оламиз бунда уларнинг қиймалари тўплами минималлаштирилган бўлиши керак бўлади. Мантиқий жихатдан олиб қарайдиган бўлсак,  $G_p$  қийматини энг минималини олишда  $f_p$  қийматини тўғри танлаш зарурияти қўйилган бўлади, қолган қийматларни хам худди шу каби олиниши керак бўлади . Чунки  $g_p = W_p \rho_p$ , бўлганда гина , ўратча ушланиб қолишни ёки кечикишни минималлаштиришимиз мумкин бўлади. Шундай қилиб кўриб чиқилган масалада хизмат кўрсатиш тартибини нисбий имтиёзга эга бўлган минимум ўртacha тартиби тенгизликлар равишида олиб борилади ва улар қуидагича бўлади :

$$\frac{C_1}{x_1} \leq \frac{C_2}{x_2} \leq \dots \leq \frac{C_P}{x_P}$$

## Назорат учун саволлар

1. Нисбий имтиёзли хизмат кўрсатиш алгоритми .
2. Абсолют имтиёзли хизмат кўрсатиш алгоритми .
3. Нисбий имтиёзли оммавий хизмат кўрсатиш тизимининг характеристикалари.
4. Абсолют имтиёзли оммавий хизмат кўрсатиш тизимининг характеристикалари.
5. Имтиёзли ОҲКТ да Сақланиш қонуни формулалари.

## Адабиётлар

1. Алиев Т.И. Дискрет тизимларни моделлаштриш асослари . – СПб.: СПбГУ ИТМО, 2009.– 363 б.
2. Крылов В.В., Самохвалова С.С. Телетрафика назарияси ва унинг иловалари .- СПб.: БХВ-Петербург, 2005. – 288 б.
3. Степанов С.Н. Мультисервис тармоқлари телетрафика асослари .- М.: Эко-Трендз, 2010.– 392 б.
4. Ложковский А.Г. Телекоммуникацияда Оммавий хизмат кўрсатиш назариси .- Одесса: ОНАС им. А.С. Попова, 2012. – 112 б.
5. Клейнрок Л. Оммавий хизмат кўрсатиш назариси : Инглиз тилидан таржима. – М.: Машинасозлик, 1979. – 432 б.

## **7-МАЪРУЗА**

### **ТАРМОҚ МОДЕЛИ**

#### **Режа:**

1. Тармоқл структураси.
2. Кўп звеноли маълумот узатиш тракти.
3. Маршрутизатор пакетларининг функционал структураси.
4. Магистрал тармоқларни ҳисоблаш характеристикалари.

Транспорт сатҳи (Магистрал тармоқ) функцияларини моделлаштириш жараёнлари қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- магистрал тармоқлар  $G(N,M)$  графи билан тасвирланади, буерда  $N,M$  – коммутацияузеллари ва қобирғалар(алоқа каналлари);
- имтиёз бўйича оқимларни тақсимлаш ва маршрутизация масалаларини ечими;
- мустақил элементларда декомпозицион тармоқлар – коммутациялар узеллари, тегишли каналлар алоқалари;
- берилган маълумотлар узатиш трактларида хизмат кўрсатиш сифатини ҳисоблаш.

Транспорт поғонаси тармоқларини хизмат кўрсатиш сифати бўйича асосий элементлари тармоқлар поғонаси, маълумот узатишнинг бир узелдан бошқасига йўналишларини аниқлайди. Маршрутизаторлар ўзида тармоқ поғонларини кўрсатади. Магистрал тармоқ кўп звеноли маълумотлар узатиш трактидек кўриниши мумкин(1-расм).


Мақсадга мувофиқ маршрутизаторнинг функционал структурасини(2-расм) билиб олиш керак. Маршрутизаторнинг асосий таркибий қисмлари:

- пакетлар ишончлилигининг контроллери;
- пакетнинг “яшашвақти” контроллери;
- киравчи пакетлар классификатори;
- танланган йўналиш бўйича узатишни ҳисоблаб пакетлар навбатини шакллантиргич;
- пакетларга хизмат кўрсатишни режалаштиргич.


Маршрутизатордапакетларниқайтаишлашқуидагиларниўзичигаолади. Маршрутизаторга келувчи пакет контроллерга жўнатилади, CRCконтрол сумма асосида қабул қилинган пакетнинг ишончлилиги текширилади. Агарда пакетни қабул қилишда хатолик мавжуд бўлса, у йўқотилади. Кейин тармоқдаги пакетнинг “яшаш вақти”текширилади. Агарда яшаш вақти тугаган бўлса, пакет йўқотилади. Пакет хатосиз қабул қилинган бўлса ва нолсиз “яшаш вақти”да классификаторга юборилади(яъни унинг бош саҳифаси қайси синфдалигини аниқлайди). Кейин шакллантиргич навбатларни шакллантиргич алгоритмлари асосида пакетларни навбатини шакллантиради (RED,WRED, SFQ) танланган йўналиш ва пакетлар синfigа мувофиқ ҳолда уларни тақсимлади. Хизмат кўрсатиш алгоритмларини режалаштиргич(FSFS, WFQ, SB-WFQ, GPS) асосида пакетлар навбатдан танланади ва танланган маршрутизаторга мувофиқ ҳолда алоқа каналида узатилади.

Эҳтимоллик – маршрутизаторнинг вақтинчалик характеристикалари шартли равища навбатдаги пакетларни кутиш жараёнлари ҳамда навбатларни шакллантиргич. Шунинг учун маршрутизаторнинг моделлаштириш функциялари кўп фазали хизмат кўрсатишли оммавий хизмат кўрсатиш тармоқлари (ОҲКТ кф) ларидан фойдаланади(14-расм).


Шу жумладан, магистрал тармоқлар маълумотларни узатиш трафиги функциялари оммавий хизмат кўрсатиш тармоқларини (кўп фазали оммавий хизмат кўрсатиш тармоқларидан иборат бўлган) шакллантириши мумкин(15-расм).




1-расм. Кўп звеноли маълумотлар узатиш тракти



2-расм. Маршрутизаторнинг функционал структураси



3-расм. Кўп фазали оммавий хизмат кўрсатиш тизимлари



4-расм. Оммавий хизмат кўрсатиш тармоқлари

Моделлаштириш жараёнлари транспорт сегменти(магистрал тармоқлар)нинг қуидаги жараёнларини ўз ичига олади:

- магистрал тармоқлар G(N,M) графининг топшириғи, бу ерда N, M – коммутатсия узеллари ва алоқа каналлари (қирра);
- приоритет бўйича оқимларнинг тақсимланиши ва маршрутизатсия топширигини ечими;
- мустақил элементларда тармоқ декомпозицияси – коммутация узеллари, зарур бўлган алоқа каналлари;
- маълумотлар узатиш трактларидаги сифат функцияларини кўрсатишни ҳисоблаш.

Хизмат кўрсатиш сифатини анализи бўйича транспорт поғонасидаги асосий элементлар узатиладиган маълумотларни бир тугундан бошқасига йўналтиришни аниқлайдиган тармоқлар звеноси ҳисобланади. Маршрутизатор ўзининг звеносидаги тармоқларни кўрсатади. 1-этапда маршрутизаторнинг функционал структураси тўлиқ баён этилган. Магистралтармоқкўпзвенолимаълумотларузатиштрактидеккўринишимумкин (1-расм).

Кейинги оммавий хизмат кўрсатиш тармоқларини 2-расмда кўриб чиқамиз. Пакетлар кетма-кет  $1, 2, \dots, N$  кўпфазали оммавий хизмат кўрсатиш тизимларидаги узеллардан ўтади.

Хизмат кўрсатгандан кейин ўтиш вақтида оқим ўзини структурасини ўзгартиради ва кейинги узелда ҳар қандай босқичда оқимларнинг ўтиши амалга ошмайди.

Клейнрок узелга келаётган кетма-кет 2 та оқимни айрим ички тармоқ тугунларини кўриб чиқди. Бу оқимлар ўртасидаги вақт интервали иккала оқимдан иккинчисига боғланган. Бу боғлиқлик манбалардир. Мураккаб тизимларни аниқ математик анализ қилиш бўйича катта қийинчилик. Катта ишлар бўйича бу қийинчиликлар тадқиқотлар йўли билан исталган узелга кирувчи мураккаб тизимлар ўзаро боғланган ва пуассон оқимларидир.

Айни вақтда аниқ аналитик қарорларни ечиш тадқиқотлари кетма-кет уланган тармоқлар оқимларига боғланган.

Н-пакет  $l_n$  - узунлиги;  $t_{in}$  -  $(n-1)$ -инчи ва  $n$ -инчи пакетнинг ўртасида пайдо бўлиши. Тармоқка киришда ҳар бир пакет аниқ узунликка эга бўлади. Тармоқда пакетлар ўтишида бу узунлик сақланиб қолади. Пакетларни умумий узунлигини сақлаб қолиш тармоқлар ( $p(l_n, t_{2n}) \neq p(l_n)p(t_{2n})$ ) – пакетлар ўртасидаги ва пакетлар узунлиги ўртасидаги боғлиқликка кириш стохастик

холатини қийинлаштиради. Пакет ҳар бир  $i(i=1,2,\dots,K)$  узелдан ўтса вақтни аниқлаш мүхим.

Биринчи узелдаги пакетлар навбатининг ўртача узунлиги  $M/M/1$  машҳур формуласи бўйича аниқланади:

$$Q_1 = \frac{\rho^2}{1-\rho} . \quad (1)$$

буерда  $\rho = \lambda_1 / \mu_1$ ,  $\lambda_1 = 1/\bar{t}_{1n}$  - биринчи узелга келувчи пакетларнинг интенсивлиги,  $\bar{t}_{1n}$  - биринчи узелдаги пакетлар ўртасида интервал;  $\mu_1 = 1/\bar{t}_o$  - биринчи узелдаги пакетларга хизматкўрсатиш интенсивлиги,  $\bar{t}_o = \bar{l}_n / C$  - биринчи узелда пакетларга хизмат кўрсатиш ўртача вақти,  $\bar{l}_n$  - пакетнинг ўртача узунлиги,  $C$  - алоқа каналида пакетларни узатиш тезлиги.

1-узелда  $W$  пакетнинг буферда ўртача кутиш вақти Литтл формуласи бўйича аниқланади.

$$W_1 = \frac{Q_1}{\lambda_1}, \quad (2)$$

2-узелдаги буферда навбатлар ўртача узунлигини ҳисоблаш учун (1) формуладан фойдаланилади. 2-узел экспоненциал узел ( $M/M/1$ ) эмас. ОХКТ лари учун  $P_{i\alpha} \neq \rho$  навбатлар ўртача узунлиги қуйидаги формуладан ҳисобланади.


$$Q = \frac{\rho \cdot P_{o\alpha}}{1 - P_{o\alpha}} \quad (3)$$

ОХКТ учун оқимларнинг ўртача навбат узунлигига боғлиқлигини ҳисоблаш қуйидаги формуладан:


$$Q_k = \frac{P_{k\alpha}^2}{1 - P_{k\alpha}} \left( \frac{1 + v_{kb}^2}{2(k-1)} \right), \quad \text{бу ерда } 0 \leq \rho_k \leq 0.8, \\ Q_k = \frac{P_{k\alpha}^2}{1 - P_{k\alpha}} \left( \frac{1 + v_{kb}^2}{2k} \right), \quad \text{бу ерда } \rho_k > 0.8, \quad (4)$$

бу ерда  $v_{kb}$  - к-узелда пакетларга хизмат кўрсатиш вақтининг вариация коэффициенти;  $P_{k\text{ax}}$  - к-узелнинг буферида пакетлар кутиш вақти эҳтимоллиги;  $\rho_k$  - юклама  $k$ -инчи узелда  $k = 1, 2, 3, \dots$ .

4-5 расмда навбатлар ўртача узунлигининг боғлиқлик графиги, 4-формулада хисобланади ва 2-3-узеллар учун имитацион моделлаштириш.



4-расм. 2-узелда навбатлар ўртача узунлигининг боғлиқлигиги. mod - моделлаштириш натижаси; формула-таклиф қилинган (2.4) формула натижаси



5-расм. 3-узелда юкламадан навбатларнинг ўртача узунлигининг боғлиқлик графиги: mod-моделлаштириш натижаси; формула – (2.4) формулаларнинг натижаси.

4 ва 5-расмдан маълумки, 4-формула ОХКТ характеристикаларини аниқ қийматларини оқимларга боғлиқлиги.

Пакетларнинг ўртача кечикиши  $k$ -инчи узелда  $\overline{t_{k_3}}$  аниқловчи формула (2) ҳисоблашда ( 1 ) ва (4). Магистрал тармоқда пакетларнинг ўртача кечикиши:

$$\overline{t_{3_M}} = \sum_{k=1}^N \overline{t_{k_3}}, \quad (5)$$

бу ерда  $N$  - пакетларни узатиш танланган йўналишида умумий хизмат кўрсатиладиган узеллар сони.

### **Назорат саволлари**

1. Магистрал тармоқлар асослари
2. Маршрутлаш алгоритмлари
3. Пакетларни йўқолиш сабаблари
4. Магистрал тармоқда пакетларнинг ўртача кечикиш алгоритмлари
5. Магистрал тармоқ характеристикаларини ҳисоблаш учун мавжуд бўлган формулаларнинг камчиликлари

### **Адабиётлар**

1. Алиев Т.И. Основы моделирования дискретных систем. – СПб.: СПбГУ ИТМО, 2009.– 363 с.
2. Крылов В.В., Самохвалова С.С. Теория телетрафика и её приложения.- СПб.: БХВ-Петербург, 2005. – 288 с.
3. Степанов С.Н. Основы телетрафика мультисервисных сетей.- М.: Эко-Трендз, 2010.– 392 с.
4. Ложковский А.Г. Теория массового обслуживания в телекоммуникациях.- Одесса: ОНАС им. А.С. Попова, 2012. – 112 с.
5. Клейнрок Л. Теория массового обслуживания: Пер. с англ. – М.: Машиностроение, 1979. – 432 с.

## **8- МАЪРУЗА**

### **Тармоқларни оптималлаштиришнинг математик асослари**

#### **Режа:**

1. Чизиқли дастурлаш.
2. Симплекс усули.
3. Чизиқли дастурлашни график усулида ечиш.

Тармоқларни оптималлаштиришда чизиқли дастурлаш (ЧД) усулидан кенг қўлланилади.

ЧД масалаларини рақамли ечиш учун каноник шакли(КШ):

$$L = c_1 x_1 + \dots + c_n x_m \rightarrow \min(\max),$$

$$a_{11}x_1 + \dots + a_{1n}x_n = b_1, \quad (1)$$

.....

$$a_{m1}x_1 + \dots + a_{mn}x_n = b_m,$$

$$x_1 \geq 0, \dots, x_n \geq 0.$$

Масаланинг каноник шакли (1) қўйидаги учта хусусият билан тавсифланади:

- Тенглама тизими шаклидаги бир хил тизим чекловлари;
- масалага дахлдор бўлган барча ўзгарувчилардан билан ноаниқликнинг бир хил шартга келтириш;
- объектив функцияни минималлаштириш (максималлаштириш).

Маълумки, ЧД масаласи учун тенг бўлган ЧД масаласини яратиш мумкин (яъни иккита масалаларнинг эквивалентлиги бир масаланинг мақбул ечимини бошқасининг оптималь ечимига мос келишини англаради).

Мисол:

$$\begin{aligned}
 L &= x_1 - x_2 \rightarrow \max, \\
 3x_1 + x_2 &\leq -2, \\
 x_1 - 2x_2 &\geq 1, \\
 -x_1 + 3x_2 &= -1, \\
 x_1 &\geq 0.
 \end{aligned} \tag{2}$$

Ушбу масалани ечишда (2) КШ учта ҳолати бузилган.

1. Биз аралашма тизимининг тенглама тизимига айлантирилишини бошлаймиз. Буни амалга ошириш учун биз биринчи ва иккинчи чекловларга кўшимча ва қийматсиз носалбий ўзгарувчилар  $y_1, y_2$ ни киритамиз. Натижада чекловлар тизими қуидаги шаклда ёзилади:

$$\begin{aligned}
 3x_1 + x_2 + y_1 &= -2, \\
 x_1 - 2x_2 - y_2 &= 1, \\
 -1x_1 + 3x_2 &= -1, \\
 x_1 \geq 0, y_1 \geq 0, y_2 \geq 0.
 \end{aligned} \tag{3}$$

(3) даги шартлар факат  $x_2$  ўзгарувчиси учун амал қилмайди. Масалани тартибсиз бўлмаган бир хил ўзгарувчига камайтириш учун иккита усулдан фойдаланишимиз мумкин. *Биринчи йўл. Биз ўзгармайдиган  $x_2$  ни иккита параметр бўлмаган ўзгарувчининг фарқини ифодалаш:*  $x_2 = x'_2 - x''_2, x'_2 \geq 0, x''_2 \geq 0$ . Бу каби тизимни ва объектив функцияни ўзгартиргандан сўнг, бу масалани ҳал қиласиз

$$\begin{aligned}
 L &= x_1 - x'_2 + x''_2 \rightarrow \max, \\
 3x_1 + x'_2 - x''_2 + y_1 &= -2, \\
 x_1 - 2x'_2 + 2x''_2 - y_2 &= 1 \\
 -x_1 + 3x'_2 - 3x''_2 &= -1 \\
 x_1 \geq 0, y_1 \geq 0, y_2 \geq 0, x'_2 \geq 0, x''_2 \geq 0.
 \end{aligned} \tag{4}$$

*Иккинчи йўл. Бунда баъзи бир тенгламадан (4) ўзгармайдиган  $x_2$  ни топамиз. Биринчи тенглик:  $x_2 = -2 - 3x_1 - y_1$ . Ушбу ифодани барча тенгламалар ва объектив функцияда алмаштирамиз, шунинг учун  $x_2$  ўзгарувчисини масаланинг ечимини истисно қиласиз. Бунда:*

$$\begin{aligned} L &= 2 + 4x_1 + y_1 \rightarrow \max, \\ 7x_1 + 2y_1 - y_2 &= -3, \\ -10x_1 - 3y_1 &= 5, \\ x_1 &\geq 0, y_1 \geq 0, y_2 \geq 0. \end{aligned} \tag{5}$$

3. Масалани (5) керакли функциясини минималлаштириш масаласига ўтиш, тенгламадан янги функцини жорий қилиш йўли билан амалга оширилади.

$$L' = -L = -x_1 + x'_2 - x''_2 \rightarrow \min \text{ биринчи ҳолда,}$$

$$L' = -L = -2 - 4x_1 - y_1 \rightarrow \min \text{ иккинчи ҳолатда.}$$

ЧД масалаларини график ечиш бўйича умумий тавсиялар

1. График билан ҳал қилиниши мумкин :

- a) камиди иккита ўзгарувчини ўз ичига олган эркин шаклида берилган масалалар.
- b) каноник шаклда бериладиган масалалар, эркин ўзгарувчилар сони  $n - m \leq 2$ ;
- c) каноник шаклга туширилгандан сўнг икки эркин ўзгарувчидан ортиқ бўлмаган рўйхатга олишнинг эркин шаклидаги масалалари  $n - m \leq 2$ .


2. График ечимнинг асосий шакли - бу биринчи турдаги вазифалар. Шунинг учун, агар 2 ёки 3-турдаги вазифалар учраса, уларнинг модели биринчи навбатда биринчи турга келтирилиши керак.

3. 1 турдаги масалаларни ечиш икки босқичда амалга оширилади:


- 1 босқич - қабул қилинадиган ўзгарувчи майдонини қуриш;
- 2 босқич - мақбул ечимнинг қабул қилинадиган майдонида қуриш.

4. Қабул қилинадиган ечимлар доменини қуришда уча ҳолатдан бири содир бўлиши мумкин:


а) бўш майдон - масалани ечимсиз яъни ечимлар соҳасида чекловлар тизимишинг мос келмаслиги туфайли ҳал қилмаслиги.



б) конвекс полигон - бу масалани доимо энг мақбул ечимга эга бўлиши;




в) (функциясининг функционал коэффициенти  $L$ ) вектор йўналишига қараб, масалани ечим бўлиши мумкин ёки бўлмаслиги мумкин. Бу ҳолат, қабул қилинадиган ечимлар соҳасидаги объектив функциясининг чегарасизлиги билан боғлик.



5. Агар мақбул ечим мавжуд бўлса, унда учта натижадан бири бўлидхи мумкин:


a) оптималь ечим ноёб ва доменнинг вертикалларидан бирига мос келади;



б) оптималь ечимлар доменнинг икки вертикалига қўшиладиган сегментнинг

барча нуқталарига мос келадиган элементлари:  $x^{1*}$  ва  $x^{2*}$

$$x^* = ax^{1*} + (1-a)x^{2*}, 0 \leq a \leq 1;$$



в) оптимал ечимлар доменниң вертикалидан келиб чиқадиган йўлнинг барча нуқталарига мос келиши  $x^{1*}$  да:

$$x^* = ax^{2*} + (1-a)x^{1*}, 0 \leq a \leq \infty;$$




График ечимнинг намунаси

Каноник шаклда берилган ЧД масалаларини график жиҳатдан хал қилиш:

$$L = 4x_1 - 4x_2 - x_3 + x_4 \rightarrow \max, \quad (6)$$

$$\begin{aligned} -2x_1 + x_2 + x_3 &= 2, \\ x_1 - 2x_2 + x_4 &= 2, \\ &\quad x_1 + x_2 + x_5 = 5, \end{aligned} \quad (7)$$

$$x_i \geq 0, i = \overline{1, 5}. \quad (8)$$

Масала учун тенгламалар сони  $m = 3$ , номаълумларнинг сони эса  $n = 5$  ни ташкил қиласди. Кейин  $n-m = 2$  ва масалани нисбатан эркин ўзгарувчилар текислигидаги масалаларга камайтириш мумкин. Биз ўзгарувчилар  $x_1, x_2, x_3$  ни асосий ўзгарувчилар сифатида кўриб чиқамиз ва уларни қуидагилар (тасодифий бўлмаган ўзгарувчилар) орқали ифодалаймиз:

$$\begin{aligned} x_3 &= 2 + 2x_1 - x_2, \\ x_4 &= 2 - x_1 + 2x_2, \\ x_5 &= 5 - x_1 - x_2. \end{aligned} \quad (9)$$

Вазият (8) бўйича, ўзгарувчилар фақат ноаниқ бўлмаган қийматларни олишлари мумкин, яъни ЧД (6) - (8) масалани қабул қилинадиган шартлар (8), (9) ёки қуидаги (10) билан белгиланган :

$$\begin{aligned} 2 + 2x_1 - x_2 &\geq 0, \\ 2 - x_1 + 2x_2 &\geq 0, \\ 5 - x_1 - x_2 &\geq 0, \\ x_1 \geq 0, x_2 \geq 0. \end{aligned}$$

(10)

Аргументларга нисбатан ЧД-ни олиш учун асосий параметрларни (9) қийматларини объектив функцияга (6) алмаштирамиз. Натижা


$$L = x_1 - x_2 \rightarrow \max.$$

(11)

Масалани (10), (11) масалани (6) - (8) га teng, шунинг учун масалани (10), (11) график жиҳатдан ечишда масалани ечимини (6) - (8) қуидагича ифодалаймиз.

### 1. Босқич. Ихтиёрий танлаб олиш йўли билан

Ҳар бир тенгсизлик (10) маълум бир ярим холда  $x_1Ox_2$  да белгиланади:



Шундай қилиб, тенгсизлик  $x_1 \geq 0$  түғри ярим-текисликни белгилайди.

$2x_1 - x_2 \geq -2$  тенгсизлиги  $2x_1 - x_2 > -2$  бу ерда  $2x_1 - x_2 = -2$  ли қаторининг бошқа томонида жойлашган ярим мусбат соҳани белгилайди. Ушбу тенгсизликда  $x_1 = 0, x_2 = 0$  қийматларини алмаштириш учун  $0 > -2$  ни кўлга қиласиз, шунинг учун координаталар  $(0,0)$  биринчи тенгсизликни қаноатлантиради (10) ва бу тенгсизликнинг ечим доираси келиб чиқишни ўз ичига олади. Қолган тенгсизликлар (10) ярим мусбатлари худди шу тарзда аниқланади.

Расмда  $x_i = 0, i = 1, 5$  ҳолатига мос келадиган сатрлар қавслар ичидаги рақам билан белгиланган.

Қавариқ Кўпбурчак ОАБСД – М обектини белгилаймиз.

Қадам 2.  $M$  нинг рухсат этилган доменида биз мақбул ечимни топамиз.

Бунда тўғридан-тўғри  $L = x_1 - x_2 = 0$  қуриш ва  $L = x_1 - x_2$  вазифасини ошириш йўналишини аниқлаш вектор йўналиши  $C = (c_1, c_2) = (1, -1)$  ҳисобланади. Бу мумкин ечимлари соҳасида билан умумий вестор  $c = (c_1, c_2)$  йўналиши бўйича ўзи учун йўл  $L$  параллел ҳаракат, биз экстремал ҳолатда мумкин тўғридан-тўғри  $L$  нуқта  $B = x^*$  орқали ўтади, деб олинади. Бу жой линияси гѓг  $L$  қиймати  $L^*$  мос келади. нуқта ккк ётади қайси чегара чизиклари

тенгламалар тизимини ечиш учун биргаликда ҳаракат қилиш нүктаси координаталарини топиш учун:

$$x_1 - 2x_2 = 2, x_1 + x_2 = 5.$$

Қуйидаги оптималь натижага эга бўламиз  $x^* = (4,1)$ . Тенгламани ечими  $x_1^* = 4$  ва  $x_2^* = 1$  ни функсияга қўямиз (9), функсиянинг оптималь қийматини оламиз  $L^* = 4 - 1 = 3$  ва оптималь ечим:  $x^* = (x_1^*, x_2^*, x_3^*, x_4^*, x_5^*) = (4,1,9,0,0)$ .

### **ЧД масалани сонли ечиш усули**

Симплекс усул.

Тенгламанинг каноник кўринишини тузамиз:

$$L = \bar{c}_1 x_1 + \dots + \bar{c}_n x_n \rightarrow \min,$$

(12)

$$\bar{a}_{11} x_1 + \dots + \bar{a}_{1n} x_n = \bar{b}_1,$$

.....

(13)

$$\bar{a}_{m1} x_1 + \dots + \bar{a}_{mn} x_n = \bar{b}_n.$$

$$x_1 \geq 0, \dots, x_m \geq 0.$$

(14)

Тахминий ҳолатда  $\bar{b}_i \geq 0, i = \overline{1, m}$  (акс ҳолда, мос келадиган

тенгламани кўпайтирамиз  $-1$ , системанинг тенгламалари (13) равища мустакилдир,  $m < n$  ва тизим (13) - (14) га айланади.

Ушбу тахминларга асосан биз номаълум номларни (мисол учун  $x_1, \dots, x_m$ ) танлаймиз, бу номаълумларнинг коефитсиентларидан ташкил топган детерминант йўқолмайди. Кейинчалик (12) - (14) масаласи ЧД масаласининг маҳсус шакли деб аталадиган шаклга туширилиши мумкин:

Ушбу масаланинг мумкин ечимларидан бири  $x_{m+1}, \dots, x_n$  ўзгарувчилари нолга тенг бўлса аниқланади. Бундай ечим қабул қилинадиган асосий ечим деб аталади.. Бунда шакл

$$x_1 = b_1, \dots, x_m = b_m, x_{m+1} = 0, \dots, x_n = 0.$$

Ушбу ечим объектив функцияниң қийматига мос келади  $L = \gamma_0$ .  
 $x_1, \dots, x_m$  ўзгарувчилари асосий деб аталади,  $x_1, \dots, x_m$  ўзгарувчилари мажмуда асос деб номланади ва  $x_{m+1}, \dots, x_n$  ўзгарувчиларига асосий ёки эркин ўзгарувчилар деб аталади. М чекловлари билан н ўлчамидаги масала бўйича мумкин бўлган асосларнинг сони  $C_n^m$  қийматидан ошмайди. Маълумки, ҳар бир қабул қилиниши мумкин бўлган асосий ечимга қабул қилинадиган ечимларнинг кўпбурчаги вертикасига тўғри келади ва масаланиң мақбул ечими (унинг мавжудлиги шароитида) кўпбурчак томонларидан бирида эришилади. Шу сабабли, ЧД масаласининг мақбул ечими қабул қилинадиган асосий ечимлар қаторида бўлади. Қабул қилинадиган асосий ечимларни кетма-кет равишда қидиришнинг оқилона усуллари мавжуд, бу биз қабул қилинадиган асосий ечимларни эмас, балки уларнинг минимал сонини ҳисобга олишга имкон беради. Бундай усуллар симплекс усулинин ўз ичига олади .

## Назорат саволлари

- ## 1. Чизиқли дастурлашнинг ахамияти.

2. Сиплекс усулини алгоритми.
3. Чизиқли дастурлашни график усули босқичлари.
4. Соңли усулларга мисоллар.
5. Чизиқли дастурлашни телекоммуникацияда ахамияти.

## Адабиётлар

1. Алиев Т.И. Основы моделирования дискретных систем. – СПб.: СПбГУ ИТМО, 2009.- 363 с.
2. Дымарский Я.С. Методы оптимизации сетей связи. – СПбГУТ, 2005. – 124 с.

## 9– МАЪРУЗА

### МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШ ТИЗИМИНИНГ МОДЕЛИ

Режа:

1. Маълумотлар узатиш модели;
2. Маълумотлар узатиш тизимининг характеристикаларини аниклаш;
3. Эҳтимоллик–вакт характеристикаларини ташкил килиш.

Олдинги авлод маълумот узатиш аппаратураларида шовқинбардош кодлаш алгоритмлари ва кайта алокани амалга ошириш ягона метод бўлган [1]. Бу эса маълумотлар блоки узунлиги катта бўлмагандан бир неча байтни ташкил эгандагина ўзини оқлади.


Хозирда мавжуд алоқа тармоғи OSI очик тизимлар этalon модели талаблари бўйича қурилгани бўлиб, каналлар сатҳи протоколлари(HDLC, LAPB, LAPM, PPP, LLC) маълумотлар блоки (кадр) узунлиги бир неча юз байтни ташкил қиласди [2]. Шунинг учун маълумотлар ишончли узатиш канал сатҳида тескари алоқани текшириш алгоритмлари ёрдамида, физик сатҳда эса фақатгина халақитбардош кодлар асосида таъминланади. Бунда маълумотлар кадри бир неча қисқа узунликдаги қисмларга (сўз, символ) бўлинади ва бу сўзлар халақитбардош кодлаш ёрдамида каналга узатилади.

Ушбу маърузада ушбу жараёнларни тўлиқроқ ёритишга ҳаракат қилинади. Бунда OSI тармоғи асосида юзага келган, канал ва физик сатҳ орқали маълумотлар узатиш тармоғининг комплекс моделини кўриб чиқамиз.

OSI тавсияси бўйича тармоқ сатҳи маълумотлар блоки (пакет) тармоқ сатҳдан канал сатҳга узатилади(1-расм).

Канал сатҳида маълумотлар блоки яъни кадр қуидаги форматасосида шакллантирилади: флаг–бошланиши, манзил майдони, бошқарув майдони, маълумотлар майдони, назорат суммаси майдони ва флаг–тугаши[2].

Кадрнинг маълумот майдонига тармоқ сатҳи пакети жойлаштирилади.



2–расм. OSI тармоғида маълумотлар узатиш жараёни.

Шаклланган канал сатҳининг кадри физик сатҳга узатилади. Физик сатҳда кадр маълумотлари узунлиги  $nk$  бит сўз узунлиги  $k$  битга бўлинади. Бундан  $mk$  сўз олинади, бу ерда  $mk = nk/k$ . Сўнг, сўзлар халақитбардош кодланади. Ушбу услуб талабларига биноан текширув разрядлари узунлиги  $r$  бит аниқланади. Шунда ҳар бир сўз узунлиги физик сатҳда  $n_f = k+r$  га тенг бўлади.

Кодланган сўз алоқа канали бўйлаб  $C$  бит/с тезлик билан узатилади. Алоқа каналида ҳар бир битни хато бўлиш эҳтимоли биномиал қонуният билан аниқланади деб хисоблаймиз. Унда ҳар бир сўзда  $i$  та бит хато бўлиши қуидаги формула билан аниқланади

$$P_{if} = C_{n_f}^i p^i (1-p)^{n_f-i} \quad (1).$$

Кодланган сўз алоқа канали бўйлаб қабул қилувчи томон физик сатҳига тушади. Бу ерда декодлаш амалга оширилади ва сўздаги хатолар тўғриланади. Хатоликни тузатиш қобилияти  $t$  қуидаги аниқланиши мумкин  $do \geq 2t+1$ , бунда  $do$  – коднинг минимал Хемминг масофаси.

Агар сўзларни декодлашда  $t$  гача хатоликлар тўғриланса, сўзларни хато қабул қилиш эҳтимоллиги қуидагига тенг:

$$P_{of} = \sum_{i=t_{is}+1}^{n_f} P_{if} \quad (2).$$

Декодлашдан сўнг сўзда хар бир битни хато қабул қилинганликнинг эквивалент эҳтимолини қуидагича топиш мумкин

$$p_s = \frac{P_{of}}{n_f} \quad (3).$$

Сўзларнинг информацион разрядлари канал сатҳига узатилади.

Канал сатҳидаги информацион разрядлардан кадр маълумотлари шаклланади. Кадр маълумотларида та бит хато бўлиш эҳтимоллиги қуидаги формула билан аниқланади:

$$P_{ik} = C_{n_k}^i p_s^i (1 - p_s)^{n_k - i} \quad (4).$$

Кадр маълумотларини тўғри қабул қилиш эҳтимоллиги қуидагига тенг

$$P_{nn} = (1 - p_s)^{n_k} \quad (5).$$

Кадр малумотларидаги хатоликни топа олмаслик эҳтимоли қуидаги формула билан аниқланади:

$$P_{no} \approx \frac{1}{2^{r_k}} \sum_{i=d_o}^{n_k} C_{n_k}^i p_s^i (1 - p_s)^{n_k - i} \quad (6),$$

Бу ерда  $r_k$  – CRC разрядлар сони стандарт протоколларида  $r_k=16$  ёки  $r_k=32$  бўлади.

Кадр маълумотларида хатоликни топа олиш эҳтимоллиги:

$$P_{oo} = 1 - (P_{nn} + P_{no}) \quad (7)$$

Бу ҳолда кадр маълумотлари тўлиқлигини назорат суммаси орқали  $P_{oo}$  текширилади ва салбий квитанция (пкв) узатувчига узатилади. Бошқа ҳолда эса  $(P_{nn} + P_{no})$  қабул қилинган кадр учун тасдиқ квитанцияси узатилади.

Салвий квитанция қабул қилганда узатувчм кадрни қайтатдан юборади.

Кадр хақида тасдиқ олгандан кейингина навбаттаги кадрни узатади.

Ушбу алгоритм қўп стандарт протоколларда ишлатилади ва кутиш орқали малумотлар узатиш методи ёки автоматик тақрорий сўров (ARQ, Automatic Repeat Quest) [2] методи деб номланади.

Маълумотлар кадрини узатишда тақрорлашлар сони (тақсимоти) эҳтимоллиги қуидагича аниқланади:

$$P(k_n) = (1 - P_{oo}) P_{oo}^{K_n - 1}, \quad k_n = \overline{1, N_n}, \quad (8)$$

$N_n$ -максимал тақрорлаш сони.

Тақрорлаш процедураси кадр маълумотларига хизмат кўрсатиш вақтини ошириб юборади. Кадр маълумотларига хизмат кўрсатиш учун дискрет вақт интервалини аниқлашда учун қулай математик аппарат z- ўзгартериши хисобланади [3]

Z –ўзгартериш тақрорларни ҳисобга олиб маълумотлар кадрига хизмат кўрсатиш дискрет вақти қуидагича аниқланади:

$$f_o(z) = \sum_{k_n=1}^{N_n} P(k_n) [f_k(z) f_{k\theta}(z)]^{k_n} \quad (10)$$

Бу ерда  $f_k(z)$  ва  $f_{k\theta}(z)$ - маълумотлар кадрини ва квитанцияни узатиш вақтинингz – ўзгартеришлари:

$$f_k(z) = z^{-m_k n_f} \quad (11)$$

$$f_{k\theta}(z) = z^{-m_{k\theta} m_f} \quad (12)$$

Бу ерда  $m_{k\theta} = \left[ \frac{n_{k\theta}}{n_f} \right] \quad (8)$  ни (10) ни қўйсак

$$f_o(z) = \frac{(1 - P_{oo}) f_k(z) f_{k\theta}(z) \left[ 1 - (P_{oo} f_k(z) f_{k\theta}(z))^{N_n} \right]}{1 - P_{oo} f_k(z) f_{k\theta}(z)} \quad (13)$$

Кадр маълумотларига ўртача хизмат кўрсатиш вақти:

$$\bar{n}_o = - \frac{df_o(z)}{dz} \Big|_{z=1} \quad (14)$$

(13) га (14)ни қўйиб ва  $Nn = \infty$  бўлгандаги (11) ва (12) ни ҳисобга олиб зарурый операцияларни бажарамиз

$$\bar{n}_o = \frac{n_f (m_k + m_{k\theta})}{1 - P_{oo}} \quad (15)$$


Шунда маълумотлар кадрига ўртача хизмат кўрсатиш вақти:

$$\bar{t}_o = \frac{\bar{n}_o}{C} \quad (16)$$

### **Вақт – эҳтимоллиги характеристикаларини таҳлили**


Вақт эҳтимоллик характеристикаларини ҳисоблаш учун дастлабки маълумотларни қуидагича ҳисобласак бўлади: 2000 битли маълумотлар

кадри узунлиги, квитанция 40 бит ва узатиш тезлиги 64 кб/с, кодланган сўзлар узунлиги турли бўлганда 2-расмда маълумотлар кадри ўртача хизмат кўрсатиш вақтининг алоқа каналида хар бир битни хато бўлиш эҳтимолигига боғликлиги тасвирланган.



2 – расм.


3 – расмда. Қайта узатишдан сўнг маҳлумотлар кадри қолдиқ йўқолиши эҳтимоллигининг ҳатоликларни бирламчи тўғрилаш орқали турли циклик кодлар узунликларида алоқа каналидаги битларидаги ҳатолик эҳтимоллиги боғланиши кўрсатилган.



3 – расмда.

3 – расмдан кўриниб турибдики энг қисқа узунликдаги бирламчи кодларни тўғрилаш энг кам йўқотишлар қолдиғи эҳтимоллиги мавжуд.


$p < 10^{-4}$  ҳолатда кадр маълумотлари бузилиш эҳтимоллиги деярли бир хил ҳисобланиши кўрсатиляпти, лекин код катта узунлигига (31,26) хизмат кўрсатиш вақти эса кичик (2–расм).



4 – расм.

4 – расмда Кадр маълумотларига хизмат кўрсатиш ўтача вақтининг турли тўғрилаш қобилиятидаги сўз кодларининг бирламчи узунликдаги алоқа канали битларининг ҳатолик эҳтимоллигига боғланиш графиги кўрсатилган.

$p < 3 \cdot 10^{-3}$  ҳолатда кадрларга хизмат кўрсатиш ўтача вақти энг кичик бўлганда код энг кичик тўғрилаш қобилиятида бўлади (бирламчи ҳатоликларни тўғрилаш), лекин  $p \geq 3 \cdot 10^{-1}$  ҳолатда, иккиласми тўғрилаш бўлади, иккиласми ва ундан юқори ҳатоликларни тўғрилаш кадрларга хизмат кўрсатиш ўтача вақтининг ошишига олиб келади. 5 – расмда кадр маълумотларининг қолдиқ бузилишлари эҳтимоллигининг ҳар хил тўғрилаш қобилиятларини кодлардаги битларнинг ҳатолик эҳтимоллигига боғланиш графиги кўрсатилган.



5 – расм.

5 – расмдан кўриниб турибдики кодларни тўғриланиш қобилиятлари ўсгани сари қолдиқ бузилишлар сони камаяди.  $p < 4 \cdot 10^{-3}$  да кодлар

тұғриланиши иккиламчи ҳатоликлардан ошганда кадр маълумотлари қолдиқ бузилиш әхтимоллиги деярли бир хил бўлиши таъминланади.

### **Назорат саволлари**

1. Маълумотлар узатиш протоколлари;
2. Маълумот узатиш моделлари;
3. Сўз кодларини шакллантириш;
4. Кадр маълумотларини шакллантириш;
5. Кадр маълумотларида ҳатоликларни аниқлаш ва тўғрилаш принциплари.

### **Адабиётлар**

1. Шварцман В., О., Емельянов Г.А. Теория передачи дискретной информации. -М.: Связь, 1979.
2. Олифер В.Г., Олифер Н.А. Компьютерные сети. Принципы, технологии, протоколы. – СПб.: «Питер», 2000.
3. Суздалев А.В., Чугреев О.С. Передача данных в локальных сетях связи.- М.: Радио и связь, 1987.

## **10 –МАЪРУЗА**

### **Маълумот узатиш тизимларини оптималлаштириш**

#### **Режа:**

1. Маълумот узатиш тизимини оптималлаштиришни математик ифодалаш.
2. Физик сатх маълумот блокини оптимал узунлигини аниқлаш.
3. Канал сатх маълумот блокини оптимал узунлигини аниқлаш.

Физик сатхда маълумот блоки код сўзи (кодовое слова) деб аталади. Коднинг хатони топиш қобилятини  $t_1$  этиб белгилаймиз. Код узунлигини  $n_1$ , унда информацион разрядлар  $k_1$  и текширув рарялари. Шунинг учун  $n_1 = k_1 + r_1$ . Физик сатхни самарадорлиги қуйидаги формула билан аниқланади[4]:

$$E = \frac{n_1 - r_1}{n_1} P_{1nn}, \quad (1)$$

$P_{1nn}$  -физик сатх маълумотини (кодни) тўғри қабул қилиш эҳтимоллиги.

Текширув разрояларининг узунлиги  $r_1$  қўйидаги формула билан аниқланади [4]


$$r_1 = \text{ceil}[\log_2(1 + \sum_{i=1}^{t_1} C_{n_1}^i)]. \quad (2)$$

Агар маълумот узатиш канали биномиал бўлса (бир битни хато бўлиш эҳтимолиги  $p_0$ ) , унда  $P_{1nn}$  :


$$P_{1nn} = \sum_{i=0}^{t_1} C_{n_1}^i p_0^i (1-p_0)^{n_1-i}. \quad (3)$$

Физик сатх унумдорлигини (1) (2) ва (3) ларни инобатга олиб қўйидагича ёзиш мумкин:

$$E = \frac{n_1 - \text{ceil}[\log_2(1 + \sum_{i=1}^{t_1} C_{n_1}^i)]}{n_1} \sum_{i=0}^{t_1} C_{n_1}^i p_0^i (1-p_0)^{n_1-i} \quad (4)$$




a)



б)

1-расм. Унумдорлик графиклари:  $p_0 = 0.05$  (а) и  $p_0 = 0.01$ (б).

Унумдорлик  $n_1$ ,  $t_1$  и  $p_0$  ларни маълум бир қийтатида максимал бўлади. Ушбу холатда қўйидаги расмда яққол кўринмоқда.



1- расм. Унумдорликни ( $E$ )  $n_1$  ва  $t_1$  га боғлиги ( $p_0 = 0.01$ ).

Коднинг оптимал қийматини Optimization Toolbox MATLAB нинг fminbnd – функцияси ёрдамида топамиз[6]:

```
>> syms n;
```

```
>> f1 = @(n) -(n-ceil(log2(1+n)))*((1-p)^n+n*p*(1-p)^(n-1))/n;
```

>> n1opt = fminbnd(f1, 5, 200) (5)

>> syms *n*;

>> f2 = @(n) -(n-ceil(log2(1+n\*(1+n)/2)))\*((1-p)^n+n\*p\*(1-p)^(n-1)+(n\*(n-1)/2)\*(p^2)\*(1-p)^(n-2))/n;

>> n1opt = fminbnd(f2, 10, 200) 6)

>> syms *n*;

>> f3 = @(n) -(n-ceil(log2(1+n\*(1+n)/2+(n-2)\*(n-1)\*n/6)))\*((1-p)^n+n\*p\*(1-p)^(n-1)+(n\*(n-1)/2)\*(p^2)\*(1-p)^(n-2)+((n-2)\*(n-1)\*n/6)\*(p^3)\*(1-p)^(n-3))/n;

>> n1opt = fminbnd(f3, 20, 200) (7)

### Физик сатхнинг маълумот блокининг оптимал қийматлари

$p_0$	$n_{1opt}$		
	$t_1 = 1$	$t_1 = 2$	$t_2 = 3$
0.001	216	361	465
0.002	127	255	385
0.003	103	217	347
0.004	86	174	278
0.005	75	149	232
0.006	63	127	204
0.007	57	116	180
0.008	53	106	164
0.009	49	98	146
0.01	46	89	138

0.02	29	55	82
0.03	23	41	62
0.04	19	35	46
0.05	17	29	36

### Канал сатхи маълумот блокини оптимал қийматини аниқлаш

Канал сатхининг маълумот блоки (кадр)  $n_2$  физик сатхга узатилади. Физик сатхда  $(n_1, k_1)$  шовқунбордош код ишлатилади. Унда кадрдан  $m_k$  сўз хосил қилинади,  $m_k = \lceil n_k / k_1 \rceil$ .

$m_k$  сўз узатилгандан сўнг кадр йиғилади. Кадрда хатосиз (тўғри) қабул қилиш эҳтимоллиги:

$$P_{2nn} = (P_{1nn})^{m_k}, \quad (8)$$

$P_{1nn}$  (3) формула билан аниқланади.

Кадр  $Q_{2nn} = 1 - P_{2nn}$  эҳтимоллик билан хато қабул қилинади ва тескари алоқа жараёни ишга тушади [1].

Ўртача қайта узатишлар сони:


$$k_n = \frac{1}{P_{2nn}}. \quad (9)$$

Қайта узатышларни хисобга олган холда канал сатхи унумдорлиги  $E_2$  қүйидагича топилади:


$$E_2 = \frac{n_2}{k_n(n_2 + m_k r_1)} P_{2nn}. \quad (10)$$

Формула (10) (8) ва (9) ларни инобатта олиб қўйидаги қўринишга келади:

$$E_2 = \frac{n_2}{n_2 + m_k r_1} (P_{1nn})^{m_k+1}. \quad (11)$$



5-расм.  $E_2$  унумдоликни  $n_1$  га боғликллик графиги ( $p_0 = 0.001, t_i = 1$  ва турли  $n_2$  учун.



6-расм. MATLAB мухитида акс эттирилган канал сатхи унумдорлиги.

Маълум  $n_2$  ва  $t_i$  учун  $n_1$  ни оптимал қийматини fminbnd функцияси ёрдамида топамиз: .

```
>>p=0.001;
>>n2=1500;
>>syms n1;
f1=@(n1) - ((1-p)^n1+n1*p*(1-p)^(n1-1))^((ceil(n2/(n1-
ceil(log2(1+n1))))+1))*n2/(n2+ ceil(n2/(n1-ceil(log2(1+n1)))))*ceil(log2(1+n1));
>>n1opt1 = fminbnd(f1, 5, 500)                                (12)
```

## Маъруза №11

### Маршрутизатор характеристикаларини хисоблаш

Режа:

- 1.Фрактал трафик.
2. Фрактал трафик модели.
- 3.Маршрутизатор характеристикаларини фрактал трафикни инобатга олиб хисоблаш.

## Фрактал трафик

Замонавий мултисервисли алоқа тармоғида маълумотларнинг реал трафиги таҳлили хизмат қўрсатишнинг сифат қўрсаткичларини ҳисоблаш учун пуассон моделларидан фойдаланиш нотўғрилигини қўрсатди (QoS) [1]. Кўп сонли тадқиқотлар шундан далолат берадики реал трафик энг мос тасодифий жараён саналади [1,2]. Бундай оқимларда пакетлар ўртасидаги вақт оралиқларини тақсимлаш қонуни ихтиёрий саналади ( $G$  – general, умумий). Талабномаларга хизмат қўрсатиш давомийлигини тақсимлаш қонуни шунингдек ихтиёрий  $G$  бўлиши мумкин.

Мазкур мавзуда фрактал трафик Вейбулл тақсимоти билан берилади [3]:

$$w(x) = \alpha \beta x^{\beta-1} e^{-\alpha x^\beta}, \quad (1.5)$$

бунда  $\alpha$  ва  $\beta$  – мазкур тақсимот шаклига таъсир қилувчи айрим параметрлар. Математик кутиш  $M[x]$  ва дисперсия  $D[x]$  Вейбулл тақисмотида қўйидаги тарзда аниқланади:

$$M[x] = \alpha \cdot \tilde{A} \left( \frac{\beta + 2}{\beta} \right), \quad (1)$$

$$D[x] = \alpha^2 \left[ \tilde{A} \left( \frac{\beta + 2}{\beta} \right) - \tilde{A}^2 \left( \frac{\beta + 2}{\beta} \right) \right], \quad (2)$$

бунда  $\Gamma(\cdot)$  – гамма функция.

Вейбулл тақсимоти параметрларини Херстапараметри ( $H$ ) орқали акс эттириш мумкин :

$$\beta = 2 - 2H . \quad (3)$$

1.1 - жадвалда мисол сифатида турли турдаги трафикларнинг фракталлик микдори келтирилган[1].

Жадвал 1.1

Турли турдаги трафиклар фракталлиги

Трафик тури	Трафик фракталлиги ( $H$ )
Ethernet	0.9
HTTP	0.75-0.92
Видео	0.6-0.9
Аудио	0.6-0.9
P2P	0.6-0.9

Трафикнинг энг мос тушувчи хусусиятлари ҳисоби уни моделларда анча аниқ тавсифлаш имконини беради, ўз навбатида реал кузатувлар билан хизмат кўрсатиш сифатининг кўрсаткичларини олиш имкониятини таъминлайди.

Навбатнинг ўртача узунлигини ва пакетларни тизимда ушланиб қолиш  
вақтини ҳисоблаш

G/G/m ( $m$  – каналлар сони ) турдаги оммавий хизмат кўрсатиш тизими тадқиқотларида турли усуллар қўлланилади ва кўп сонли яқин натижалар олинди [1,2,4,6]. Аммо ҳозирги кунга қадар QoS кўрсаткичларини ҳисоблаш учун бевосита амалиётда қўлланиладиган анча оддий ва аниқ формула йўқ.

Мазкур бўлимда энг мос тушувчи трафик билан СМО даги пакетларнинг ўртacha ушланиб қолиш(кечикиш) вақтини ҳисоблашнинг янги усули қўриб чиқилган.

Пакетларни ўртacha кечики вақтини ҳисоблаш учун (1.2) навбатнинг ўртacha узунлигини аниқлаш зарур. Ҳозирги вақтда энг мос тушувчи трафик билан СМО даги навбатнинг ўртacha узунлигини ҳисоблаш учун иккита формуладан фойдаланилади .

Биринчи формула [2], $G/G/m$  тизими учун ишлаб чиқилган :

$$Q = P(\rho, m) \frac{\rho}{1 - \rho} \cdot \frac{C_n^2 + C_{o\delta c}^2}{2} , \quad (4)$$

бунда  $P(\rho, m)$  - барча каналларни банд бўлиш эҳтимоллиги;  $C_n^2$  - пакетлар ўртасидаги оралиқларнинг квадратик вариация коэффициенти;  $C_{i\alpha n}^2$  - пакетларга хизмат кўрсатиш вақтининг квадратик вариация коэффициенти;  $m$  - каналлар сони (хизмат кўрсатувчи қурилмалар).

Иккинчи формула [1]:

$$Q = C \cdot \frac{\rho^{\frac{1}{2(1-H)}}}{(1 - \rho)^{\frac{H}{(1-H)}}} , \quad (5)$$


бунда  $H$  - трафикнинг Херста коэффициенти;  $C$  - доимий (экспоненциал хизмат кўрсатиш вақти учун  $C = \rho$ ; детерминик хизмат кўрсатиш вақти учун  $C = \rho/2$  ).

Пуассон киругчи оқимда ( $H=0.5$ ), экспоненциал хизмат күрсатиши вактида ва  $m=1$  ифода (4) ҳамда (5) M/M/1 тизим учун яхши маълум бўлган формулага келтирилади:


$$Q = \frac{\rho^2}{1 - \rho}. \quad (6)$$

(4) ва (5) формулалар бўйича навбатдаги ўртача узунлик ҳисоблаб чиқамиш.


1-3 расмларда (4) ва (5) формулаларга навбатнинг ўртача узунлигини тизимнинг юкланишига боғликлик графиги келтирилган.



1-расм.  $H=0.5$  да навбатнинг ўртача узунлигини тизимнинг юкланишига боғликлик графиги.



2-расм  $H=0.7$  да навбатнинг ўртacha узунлигини тизимнинг юкланишига боғликлик графиги.



3-расм.  $H=0.9$ да навбатнинг ўртacha узунлигини тизимнинг юкланишига боғликлик графиги.

1-3 расмларнинг таққослама таҳлили шуни кўрсатадики, (4) ва (5) формулалар навбатнинг ўртacha узунлигининг турли миқдорларини беради. Бу тафовут юклама ва Херст коэффициенти ошиши билан катталашади.


(4) ёки (5) формулалардан тўғрисини аниқлаш керак. Бунинг учун GPSSWorld мухитда кўриб чиқилаётган жараённ имитацион моделлаштиримиз[5].

Имитацион моделлаштириш йўли билан аниқланган киравчи оқим параметрлари миқдори 2-жадвалда келтирилган. Жадвалда шунингдек (6) ва (7) таҳлилий формулалар ёрдамида ҳисобланган киравчи оқим параметрлари келтирилган .


$\beta$	$\tilde{I}$	Математик кутилиш		Дисперсия		Үртата четланиш		квадратик		Вариация коэффициенти	
		имитация	анал.	имитация	анал.	имитация	анал.	имитация	анал.	имитация	анал.
1	0.5	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
0.8	0.6	1.133	1.13	2.039	2.039	1.428	1.42	1.26	1.26		
0.6	0.7	1.505	1.5046	6.985	6.997	2.643	2.64	1.756	1.75		
0.4	0.8	3.322	3.32	107.85	108.95	10.385	10.43	3.126	3.14		
0.2	0.9	121.24	120	2890000	3614400	1700	1901	14.02	15.83		

2-жадвалда келтирилган назарий ва тажрибавий маълумотларнинг таққослама таҳлили Вейбулл тақсимоти асосидаги мос тушувчи трафик генерацияси ишончлилигини кўрсатади.


Навбатнинг ўртача узунлиги учун имитацион моделлаштириш натижалари 4-6 расмларда келтирилган . 1-3 расмдаги таққослама таҳлил учун шунингдек 4 ва 5 формулаларга мувофиқ навбатнинг ўртача узунлигини хисоблаш натижалари келтирилган.




4-расм.  $H=0.6$  даги на батнинг ўртача узунлигини тизимнинг юкланишига боғлиқлик графиги.



5-расм.  $H=0.7$ даги навбатнинг ўртача узунлигини тизимнинг юкланишига боғлиқлик графиги.



6-расм.  $H=0.8$ .даги навбатнинг ўртача узунлигини тизимнинг юкланишига боғлиқлик графиги.



7-расм. Н=0.9.навбатнинг ўртача узунлигини тизимнинг юкланишига боғлиқлик графиги.

5-7 расмларнинг таққослама таҳлили 4 ва 5 формулалар орқали ҳисобланган навбатнинг ўртача узунлиги миқдори имитацион моделлаштириш натижалари билан мос келмаслигини англатади. 4-формула натижалари 5-формула натижалари ва имитацион моделлаштиришдан бир неча марта фарқ қиласди. Паст юкланишда ва  $H < 0.9$  да G/G/1 (5) учун формула натижалари 4-формула натижалари билан таққослагандага имитацион моделлаштириш натижаларига анча яқин бўлади. Юқори юкланишда ва  $H = 0.9$  да 4 ва 5-формула натижалари тажриба натижаларидан бир неча марта фарқланади.

Имитацион моделлаштириш ишончлилиги шуни кўрсатадики  $H = 0.5$  да олинган натижалар М/M/1 таҳлилий модели натижалари билан бир хил бўлади. Шундай қилиб энг мос тушувчи трафик билан СМО хусусиятларини ҳисоблашнинг анча аниқ усулини ишлаб чиқиш зарур.

### *Навбатнинг ўрта узунлигини ҳисоблаш усуллари*

G/G/1 тизимида талабнома кутилишини эҳтимолини ҳисоблаш учун қўйидаги формула келтирилади

$$P_{o_{ж}} = \frac{Q}{\rho \cdot \bar{t}_{o_{ж}}} \quad (7)$$

$P_{i_e}$  ни аниқлаш учун навбат узунлиги  $Q$  ва ўртача кутиш вақти  $\bar{t}_{i_e}$  маълум бўлиши керак. Аммо бу хусусиятлар ўз навбатида  $P_{i_e}$  орқали топилади.

Навбатнинг ўртача узунлигини ҳисоблаш учун қўйидаги формула таклиф қилинади:


$$Q = \frac{\rho \cdot P_{o_{ж}}}{1 - P_{o_{ж}}} \quad (8)$$

M/G/1 тизим учун  $P_{ож} = \rho$ , бунда  $\rho$  - тизим юкланиши (фойдаланиш коэффициенти).

G/G/1 тизимида талабномани кутиш эҳтимоллиги навбатда туруб кейин хизмат кўрсатилган талабномалар сонини ва умумий хизмат кўрсатилган талабномалар сониганисбати билан аниқланади.

$$P_{ож} = \frac{n_3}{n_{общ}} \quad (9)$$


Талабноманинг кутиш эҳтимоллигини аниқлаш учун 7-формула бўйича GPSSWorld муҳитидаги кўриб чиқилаётган тизимнинг имитацион моделлаштирилишини ўтказамиз. Моделлаштириш натижалари ва талабномани кутиш эҳтимоллиги ҳисоби 9-расмда келтирилган.



9-расм. Турли Херст коэффициентларида кутиш эҳтимолини тизим юкланишига боғлик графики.

9-расм таҳлили шуни кўрсатадики, ҳақиқатдан ҳам,  $H=0.5$  (M/G/1) да талабномани кутиш эҳтимоллиги тизимни юклаш миқдорига тенг бўлади, 100% чизиқли боғлиқлик бўлади. Херст коэффициенти ошиши билан талабномани кутиш эҳтимоллиги тизимни юклаш миқдорига қараганда

кеттәрөк бўлади.  $H=0.5$  да тажрибавий натижалар чизиқли боғлиқликни аппроксимация қилиши мумкин.  $H>0.6$  бўлганда тажрибавий натижалар квадратик боғлиқлик бўйича аппроксимация қилиш мумкин. MATLAB мухитида  $H=0.6$  бўлганда олинган аппроксимация натижалари 10-расмда келтирилган.



10-расм.  $H=0.6$  бўлганда аппроксимация натижалари.

Моделлаштириш ва аппроксимация натижалари асосидаги талабнома кутиш эҳтимоллигини ҳисоблаш учун эмпирик формула қўйидаги кўринишда бўлади


$$P_{ож} = a \cdot \rho^2 + b \cdot \rho + c , \quad (11)$$

Бунда  $a, b$  ва  $c$  - 2-жадвалда келтирилган аппроксимация коэффициентлари.


3-жадвал

$H$	$a$	$b$	$c$
0.5	0	1	0
0.6	0	0.94	0.096
0.7	-0.98	1.4	0.15
0.8	-0.68	1.2	0.41
0.9	-0.28	0.39	0.66

11-12-расмларда (11) ни хисобга олган ҳолда (8) формула ёрдамида хисобланган тизимни юклашдан навбатнинг ўртача узунлиги боғлиқлик графиги келтирилган.



11-расм.  $H=0.6$  да навбатнинг ўртача узунлигини тизимнинг юкланишига боғлиқлик графиги.



12-расм.  $H=0.9$ да навбатнинг ўртача узунлигини тизимнинг юкланишига боғлиқлик графиги.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, таклиф қилинаётган формула асосида ҳисобланган навбатнинг ўртача узунлиги тажрибавий натижалар билан 99% га мос тушади. Фақатгина  $H=0.9$  ва  $\rho \geq 0.8$  да тафовут 2% ни ташкил қиласди .


Шундай қилиб таклиф қилинаётган усул мавжуд усуллар билан таққослаганда энг фракталли СМО хусусиятларини ҳисоблашнинг энг аниқ натижаларини таъминлайди.

Фракталли ва нисбий устуворлик билан СМО даги пакетларни кутишнинг ўртача вақтини ҳисоблаш учун қуйидаги формула таклиф қилинади :


$$W_k = \frac{P_{k_{\text{ож}}}\overline{t_{k_{\text{обс}}}}}{1 - P_{k_{\text{ож}}}} \left( \frac{k}{m - k + 1} \right), \quad (12)$$

бунда  $m$  – имтиёзлар сони,  $k$  – имтиёз рақами.

13-расмда Херст турли коефициентларида тизимни юклашдан  $k$  – устуворлик пакетлари кутишнинг ўртача вақти боғлиқлик графиги келтирилган.



13-расм.  $H=0.7$  да ўртача кутиш вақтини тизимнинг юкланишига боғлиқлик графиги.



13-расм.  $H=0.8$ да ўртача кутиш вақтини тизимнинг юкланишига боғлиқлик графиги.

### **Назорат саволлари**

1. Мултисервисли тармоқ Пуассон моделининг камчиликлари.

2. Кўп сервисли тармоқ хусусиятларини ҳисоблаш учун мавжуд формулалар.
3. Хусусиятларни ҳисоблаш учун янги формулаларнинг моҳияти.
4. Маълум формулаларнинг таққослама таҳлили.

## **Адабиётлар**

1. Гулевич Д.С. Кейинги авлод алоқа тармоғи.- М.: Интернет – Ахборот технологиялари университети; БИНОМ. Билим лабораторияси, 2007.
2. Шелухин О.И., Осин А.В., Смольский С.М. Ўзига ўхшашлик ва фракталлар. Телекоммуникацион иловалар. /. О.И. Шелухин таҳрири остида. - М.: ФИЗМАТЛИТ, 2008.
3. Фомин Л.А., Линец Г.И., Шлаев Д.В., Калашников С.В. Тармоқ трафигидаги ўзига ўхшашлик сабаблари. – «Электр алоқа», 2008, №2.
4. Сычёв К.И. Кўп сервисли алоқа тармоғи коммутация узеллари ишлаш жараёнининг математик моделлари. - – «Электр алоқа», 2008, №2.
5. Ложковский А.Г. Хизмат кўрсатишнинг экспоненциал давомийлигига навбат билан бир каналли тизимни ҳисоблаш усуллари. – Науковіпраці ОНАЗ ім. О.С.Попова, 2009, №2.
6. Шевченко Д.Н., Кравченя И.Н. GPSS Муҳитдаги имитацион моделлаштириш.- Гомель: БелГУТ, 2007.

## **Маъруза №12**

### **Тармоқ характеристикаларини ҳисоблаш**


#### **Режа:**

1. Тармоқда пакетларни узатиш жараёни.
2. Пакетларни йўқолиш сабаблари.
3. Пакетларни йўқолиш эҳтимолини ҳисоблаш.

Тармоқ узелларида OSIнинг физикавий, канал ва тармоқ сатхидаги функциялар амалга оширилади.

Еармоқда маълумотлар пакетини узатиш жараёни 8-расмда кўрстаилган.

Транспорт сатхидан маълумотлар тармоқ сатхига келади. Тармоқ сатхи протоколига мувофиқ маълумотлар пакетини узатиш йўналиши аниқланади.




Расм.1. Магистрал тармоқнинг физикавий, канал ва тармоқ сатхларинг комплекс модели

Кейинчалик маълумотлар пакети канал сатхига узатилади. Канал даражасида маълумотлар кадри шаклланади. Кадр маълумотлар майдонида тармоқ даражасидаги маълумотлар пакети қўйилади. Канал даражасидаги датчик протоколининг асосий вазифаси узатиш йўналишида биринчи алоқа узели канал даражасигача маълумотлар кадрларини ишончли узатишdir.

Алоқа узеллари тармоқ даражасидаги пакетларни узатиш ва қайта ишлаш жараёни 2-расмда кўрсталилган.

Тармоқнинг биринчи узелининг тармоқ сатхидаги маълумотлар пакетларини қабул қилишда қўйидаги ҳодисалар содир бўлади:

- маълумотлар пакетини тўғри қабул қилиш (ПП);
- маълумотлар пакетини қайта ишлашда хатоликларни аниқлаш (НО);
- маълумотлар пакетидаги хатоликларни аниқлаш (ОО).



Расм.2. Алоқа узелининг тармоқ сатхидаги маълумотлар пакетини қайта ишлаш ва узатиш жараёни.

Тармоқ сатхидаги  $n_c$  бит узунликда қабул қилинаётган маълумотлар пакетининг ҳар бир битини хато бўлиши эҳтимоли қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$p_c = \frac{P_{oik}}{n_c}, \quad (1)$$

бу ерда  $P_{oik}$ - канал сатхидаги маълумотлар кадрида қолдиқхато бўлиш эҳтимоллиги.

Бунда маълумотлар пакетини тўғри қабул қилиш эҳтимоллиги қуийдагига тенг бўлади

$$P_{nn} = (1 - p_c)^{n_c}. \quad (2)$$

Маълумотлар пакетида хатоликларни топа олмаслик (НО) эҳтимоллиги қуийдаги формула т билан баҳоланиши мумкин

$$P_{no} < p_c n_c / 2^r, \quad (3)$$

$n_c p_c < 1$ , бунда  $r$  - маълумотлар пакетидаги назорат разрядлари сони.

Маълумотлар пакетидаги хатоликни аниқлаш (ОО) эҳтимоллиги

$$P_{oo} = 1 - (P_{nn} + P_{no}). \quad (4)$$

Биринчи узелда ПП, НО ва ОО ҳодисаларининг пайдо бўлиш эҳтимолини мос равишда  $P_{pp1}$ ,  $P_{no1}$  ва  $P_{oo1}$  билан белгилаймиз. Хатолар аниқланганда ( $P_{oo1}$ ) маълумотлар пакети йўқотилади. Биринчи узелда маълумотлар пакетини йўқотилиш эҳтимоли  $P_{yc1}$  хатоликларни аниқлаш эҳтимолига тенг бўлади  $P_{yc1} = P_{oo1}$ .

ПП ва НО ҳодисалари содир бўлганда маълумотлар пакети узатишнинг танланган йўналишига мувофиқ навбатдага узелга жўнатилади. Биринчи узел тармоқ сатхидаги маълумотлар пакети мазкур узелнинг канал сатхигаузатилади. Биринчи узел канал сатхиданг иккинчи узел канал сатхигача маълумотлар кадрини узатиш жараёни 2-расмга мувофиқ амалга оширилади.

Тармоқнинг иккинчи узели тармоқ сатхи маълумотлар пакетини қайта ишлаганда бизга маълум ҳодисалардан айримлари содир бўлиши мумкин: ПП, НО, ОО. Бундай ҳодисалардан ташқари маълумотлар пакети тўғри қабул қилинганда аммо бу пакет аниқланмаган хатолик билан биринчи узел қабул

құлса содир бўлади ва шунинг учун иккинчи узелга хатолик шаклида жўнатилади. Бундай ҳодисалар хато-тўғри қабул қилиш сифатида белгиланади (ОПП).

ПП, НО ва ОПП ҳодисалари содир бўлганда иккинчи узел танланган йўналиш бўйича навбатдаги узелга маълумотларни жўнатади. Барча эҳтимолий ҳодисаларни танлаш асосидаги ҳолат диаграммасидан маълумотлар пакетини тўғри ва хато қабул қилиш эҳтимоллиги, шунингдек пакетни ташлаб юбориш эҳтимоллигини аниқлаймиз.

Пакетни қабул қилувчи томонидан тўғриқабул қилиш фақат маълумоталр пакетини барча узеллар тўғри қабул қилингандагина содир бўлади (ПП). Шунинг учун, оловчининг маълумотлар пакетини тўғри қабул қилиш эҳтимоли  $P_{ппп}$  қўйидагига teng бўлади

$$P_{ппп} = P_{пп1} \cdot P_{пп2} \cdot P_{пп3} \cdots P_{ппN} = \prod_{i=1}^N P_{ппi}, \quad (5)$$

Бундан – маълумотлар пакетини узатиш йўналишида нуқта-нуқта каналларининг умумий сони.

Ҳолат диаграммасига мувофиқ пакетни хатолик билан қабул қилиш қўйидаги комбинацияларда бўлиши мумкин:

- 1) ПП1, ПП2, ПП3, НО4;
- 2) ПП1, ПП2, НО3, ОПП4;
- 3) ПП1, ПП2, НО3, НО4;
- 4) ПП1, НО2, ОПП3, ОПП4;
- 5) ПП1, НО2, ОПП3, НО4;
- 6) ПП1, НО2, НО3, ОПП4;
- 7) ПП1, НО2, НО3, НО4;
- 8) НО1, ОПП2, ОПП3, ОПП4;

- 9) НО1, ОПП2, ОПП3, НО4;
- 10) НО1, ОПП2, НО3, ОПП4;
- 11) НО1, ОПП2, НО3, НО4;
- 12) НО1, НО2, ОПП3, ОПП4;
- 13) НО1, НО2, ОПП3, НО4;
- 14) НО1, НО2, НО3, ОПП4;
- 15) НО1, НО2, НО3, НО4.

ПП, ОПП, НО ва ОО каби ҳодисалар мустақил бўлиб, бу ҳодисалар комбинациясининг пайдо бўлиш эҳтимоллиги мазкур ҳодисалар содир бўлиши эҳтимоллигининг кўпайтмасига teng:

$$P(1) = P_{pp1} \cdot P_{pp2} \cdot P_{pp3} \cdot P_{ho4}$$

$$P(2) = P_{pp1} \cdot P_{pp2} \cdot P_{ho3} \cdot P_{opp4}$$

$$P(3) = P_{pp1} \cdot P_{pp2} \cdot P_{ho3} \cdot P_{ho4} \quad (6)$$

.....

$$P(15) = P_{ho1} \cdot P_{ho2} \cdot P_{ho3} \cdot P_{ho4}$$

Маъумотлар пакетидаги хато қабул қилиш эҳтимоли ҳодисаларнинг бундай комбинацияси содир бўлиши эҳтимолликларининг йиўиндисига teng бўлади

$$P_{иск} = \sum_{i=1}^{15} P(i) \quad (7)$$

Маълумотлар пакетини узатиш йўналишида нуқта-нуқта Nканаллари мавжуд бўлса уни қуйидаги формула бўйича ёзиш мумкин

$$P_{иск} = P_{ho1} \cdot \prod_{i=2}^N (P_{ppi} + P_{hoi}) + P_{pp1} \cdot P_{ho2} \cdot \prod_{i=3}^N (P_{ppi} + P_{hoi}) + \dots + P_{ho(N-1)} \cdot (P_{ppN} + P_{hoN}) \cdot \prod_{i=1}^{N-2} P_{ppi} + P_{hoN} \cdot \prod_{i=1}^{N-1} P_{ppi} \quad (8)$$

ПП ва НО ҳодисалар келиш эҳтимоллиги барча узелларда бир хил бўлса,  $P_{pp1} = P_{pp2} = P_{pp3} = \dots = P_{ppN} = P_{pp}$  и  $P_{ho1} = P_{ho2} = P_{ho3} = \dots = P_{hoN} = P_{ho}$ , (8) ифода айрим ўзгартиришлардан сўнг қуидаги кўринишга келади

$$P_{иск} = P_{ho} \cdot [(P_{pp} + P_{ho})^{N-1} + P_{pp} \cdot (P_{pp} + P_{ho})^{N-2} + P_{pp}^2 \cdot (P_{pp} + P_{ho})^{N-3} + \dots + P_{pp}^{N-2} \cdot (P_{pp} + P_{ho})] \quad (9)$$

(9) ифодани қуидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$P_{иск} = P_{ho} \cdot \sum_{k=1}^{N-1} P_{pp}^{k-1} \cdot (P_{pp} + P_{ho})^{N-k} \quad (10)$$

Тармоқдан маълумотлар пакетини йўқотиш ҳодисаларнинг қуидаги комбинацияларида мумкин бўлади:

- 1) OO1;
- 2) ПП1, OO2;
- 3) HO1, OO2;
- 4) ПП1, ПП2, OO3;
- 5) HO1, ОПП2, OO3;
- 6) HO1, HO2, OO3;
- 7) ПП1, ПП2, ПП3, OO4;
- 8) HO1, ОПП2, ОПП3, OO4;
- 9) HO1, ОПП2, HO3, OO4;
- 10) HO1, HO2, ОПП3, OO4;
- 11) HO1, HO2, HO3, OO4;
- 12) ПП1, HO2, OO3;

13) ПП1, ПП2, НО3, ОО4;

Маълумотлар пакетини йўқотиш эҳтимоллиги қуидагича топилади:

$$P_{yc} = P_{oo1} + P_{oo2} \cdot (P_{nn1} + P_{ho1}) + P_{oo3} \cdot (P_{nn1} + P_{ho1}) \cdot (P_{nn2} + P_{ho2}) + P_{oo4} \cdot (P_{nn1} + P_{ho1}) \cdot (P_{nn2} + P_{ho2}) \cdot (P_{nn3} + P_{ho3}) \quad (11)$$


Н нүкта-нүкта каналлари сонида (11) ифода қуйидаги шаклни қабул қиласы:

$$P_{yc} = P_{oo1} + \sum_{k=2}^N P_{ook} \cdot \prod_{i=l}^{k-1} (P_{nni} + P_{hoi}) \quad (12)$$

Агар ПП, НО ва ОО ҳодисаларнинг содир бўлиш эҳтимоли ҳар бир узелда бир хил бўлса (12) ифодани қуидаги кўринишда ёзиш мумкин

$$P_{yc} = P_{oo} \cdot \sum_{k=1}^N (P_{in} + P_{ho})^{k-1} \quad (13)$$


3-расмда  $n_c = 4000$ ,  $p_c = 10^{-5}$  бўлганда маълумотлар пакетини тўғри ва хатолик билан қабул қилиш эҳтимоллигини транзит узеллар сонига боғлиқлик графиги келтирилган



Расм.3. Маълумотлар пакетини йоқотии( $P_y$ ), тўғри ( $P_{pr}$ ) ва хатолик билан ( $P_{is}$ ) қабул қилиш эҳтимоллигини транзит узеллар сонига боғлиқлик графиги.

3 –расмдан күриниб турибдики узатиш йўналишида алоқа транзит узеллари ошиши билан маълумотлар пакетини тўғри қабул қилиш эҳтимоли камаяди, пакетни йўқолиш эҳтимоли ошади.

4-расмдан маълумотлар пакетини хато билан қабул қилиш эҳтимоли келтирилган.



Расм.4. Маълумотлар пакетини хато қабул қилиш эҳтимолигининг транзит узеллар сонига боғлиқлик графиги.

Барча эҳтимолликлар йифиндиси 1 га teng эканлигини кўрамиз. Ушбу натижа формулаларни тўғрилигини кўрсатади.

### Назорат саволлари

- Пакетларни узатиш ва қабул қилиш жараёнлари.
- Пакетларда хато бўлиш сабаблари.
- Пакетларни йўқолиш сабаблари.
- Пакетларни хато қабул қилиш эҳтимолини хисоблаш.
- Пакетларни йўқолиш эҳтимолини хисоблаш.

## **Адабиётлар**

1. Шварцман В., О., Емельянов Г.А. Теория передачи дискретной информации. -М.: Связь, 1979.
2. Олифер В.Г., Олифер Н.А. Компьютерные сети. Принципы, технологии, протоколы. – СПб.: «Питер», 2000.
3. Суздалев А.В., Чугреев О.С. Передача данных в локальных сетях связи.- М.: Радио и связь, 1987.

### **МАРШРУЗА №13**

#### **МАРШРУТЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

Режа

1. Маршрутлаш масаласи
2. Анъанавий маршрутлаш протоколлари.
3. QoS-маршрутлаш концепцияси.
4. Замонавий тармоқларда маршрутлаш протоколларига талаблар.
5. Маршрутлашни оптималлаштириш мезонлари.
6. Маршрутлаш усулларини самарадорлиги.

#### **Маршрутлаш масаласи**


Умумий күринишида маршрутлаш масаласи қуйидаги ўзаро боғланган хусусий масалалар күринишида берилиши мумкин:

1. Улар учун маршрутлар ҳосил қилиниши талаб қилинадиган ахборот оқимларини аниқлаш;
2. Оқимларни маршрутлаштириш;
3. Оқимларни ҳаракатлантириш, яни оқимларни таниш ва уларни ҳар бир транзит түгунда локал (ажратилған) коммутациялаш;
4. Оқимларни мультиплекслаш ва демультиплекслаш.

Ахборот оқими тавсифи, Битта транзит тугун орқали бир неча маршрутлар ўтиши мумкин. Транзит тугун керакли тугунга олиб борадиган айнан ўша ўз интерфейсига маълумотлар оқимларидан ҳар бирини узатилишини таъминлаш учун унга келадиган маълумотлар оқимларини танишни билиши керак. Ахборот оқими ёки маълумотлар оқими деб маълумотларни умумий тармоқ трафигидан ажратадиган умумий белгилар тўплами билан бирлаштирилган узлуксиз маълумотлар кетма-кетлигига айтилади. Масалан, битта компьютердан келадиган барча маълумотлар – оқимни қандай аниқлаш мумкин. бирлаштирувчи белги манбанинг манзили ҳисобланади. Бу маълумотларни бир неча нимоқимлар йифиндиси сифатида тасаввур қилиш мумкин, белги юбориш манзили ҳисобланади. Ниҳоят, бу нимоқимлардан ҳар бирини, ўз навбатида, турли иловалар – электрон почта, файлларни кўчириш дастури, веб-сервер ҳосил қилган майдароқ нимоқимларга бўлиш мумкин. Оқимни ҳосил қиласиган маълумотлар турли маълумотлар ахборот бирликлари – пакетлар, кадрлар ёки ячейкалар кўринишида бўлиши мумкин. Коммутациялашда оқимнинг мажбурий белгиси маълумотларни юбориш манзили ҳисобланади. Юбориш манзилига асосланиш орқали транзит тугунга кирадиган бутун маълумотлар оқими нимоқимларга бўлинади, улардан ҳар бири маълумотларнинг ҳаракатланиши маршрутига мос интерфейсга узатилади. Манба ва юбориш манзиллари мос охирги тугунлар жуфтлиги учун оқимни аниқлайди.

Маршрутни аниқлаш маълумотларни манзилга етказиш учун улар орқали маълумотлар узатиладиган транзит тугунлар ва уларнинг интерфейслари кетма-кетлигини танланишини билдиради. Агар ўзаро таъсиrlашувчи тармоқ интерфейслари жуфтлиги орасида кўплаб йўллар мавжуд бўлса, у ҳолда қандайдир мезон бўйича битта оптимал йўл танланади. Хост-манбадан хост-қабуллагичга пакетнинг йўлини танланиши масаласи маршрутизатор-манбадан маршрутизатор-қабуллагичга пакетни танлаш масаласига келтирилади. Исталган маршрутлаштириш протоколининг ўзаги маршрутизатор манбадан маршрутизатор-қабуллагичга пакетни йўлини

аниқлайдиган алгоритм (маршрутлаштириш алгоритми) ҳисобланади. Маршрутлаштириш алгоритмининг вазифаси оддий: берилган маршрутизаторлар ва уларни боғлайдиган линиялар қўплиги учун маршрутлаштириш алгоритми маршрутизатор-манбадан маршрутизатор-қабулагичга “оптимал” йўлни аниқлайди. “Оптимал” сўзи “минимал нархли” йўлни билдиради. Биз кўрамизки, бироқ амалда ўйинга хавфсизлик масалалари каби стратегик мулоҳазалар киради. Маршрутлаштириш алгоритмларини ифодалаш учун тармоқ граф сифатида қаралади (13.1-расм).



13.1-Расм. Тармоқни граф асосида тасвирлаш.

Графнинг тугунлари пакетларни ҳаракатланиши ҳакида қарор қабул қилинадиган маршрутизаторлар нуқталар, бу тугунларни боғлайдиган линиялар (графлар назарияси терминологиясига мувофиқ “кирралар” дейиладиган) эса маршрутизаторлар орасидаги физик линиялар ҳисобланади. Ҳар бир алоқа линиясига бу линия бўйича пакетнинг қайта узатилиши “нархидан” иборат бўлган қандайдир қиймат мос келади. Нарх линиянинг физик узунлигига, линия бўйича маълумотларни узатиш тезлигига ёки линиянинг молиявий нархига боғлиқ бўлиши мумкин.

Тармоқни граф кўринишида кўриб чиқишида жўнатувчидан олувчига минимал нархдаги йўлни аниқлаш масаласини ечиш учун шундай линияларнинг кетма-кетлигини топиш керакки, бунда:

- йўлнинг биринчи линияси манба билан боғланган;
- йўлнинг охирги линияси манзил билан боғланган;
- $i$  ва  $i - 1$  номерларли барча  $i$  линиялар учун ўша бир тугун билан боғланган бўлиш;
- минимал нархли йўл учун йўлнинг барча линиялари нархларининг ийғиндиси жўнатувчи ва олувчи орасидаги барча бўлиши мумкин бўлган йўллар бўйича минимал ҳисобланади.

### **Анъанавий маршрутлаш протоколлари**

Барча маршрутлаштириш алгоритмларини иккита глобал ва марказлаштирилмаган синфларга бўлиш мумкин. Глобал маршрутлаштириш алгоритми тармоқ ҳақидаги тўлиқ маълумотлар ёрдамида жўнатувчиdan олувчигача энг кам нархли йўлни топади. Ҳисоблашларнинг ўзи қандайдир битта компьютерда амалга оширилиши ёки турли жойларда кўпайтирилиши мумкин. Лекин бу ердаги асосий ўзига хос хусусият глобал алгоритм тармоқнинг топологияси ва линияларнинг нархи ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиши ҳисобланади. Мисол “Линияларнинг ҳолатларига асосланган маршрутлаштириш алгоритми” ҳисобланади. Марказлаштирилмаган маршрутлаштириш алгоритмida энг кам нархли йўлни ҳисоблаш тақсимлан тарзда бажарилади. Ҳеч бир тугун тармоқнинг барча линиялари нархлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларга эга бўлмайди. Дастлаб ҳар бир тугунга фақат унга тўғри уланган линияларнинг нархи маълум бўлади. Кейин итерацион ҳисоблашлар ва қўши тугунлар (то есть узлами, находящимися на

противоположных концах напрямую присоединенных к нему линий) билан маълумотларни алмашлаш йўли билан тугун олувчигача ёки олувчилар гуруҳигача энг кам нархли йўлни аниқлайди. Мисол “Масофавий-векторли алгоритм” ҳисобланади. Бундан ташқари, барча маршрутлаштириш алгоритмларини статик вадинамик алгоритмларга бўлиш мумкин. Статик маршрутлаштириш алгоритмидаги маршрутлар вақт бўйича, кўпинча инсоннинг аралашуви натижасида (масалан, тармоқ маъмури маршрутизаторнинг маълумотларини ҳаракатланиши жадвалини қўлда таҳрир қилиши мумкин) жуда секин ўзгаради. Динамик алгоритм даврий ёки топологиянинг ёки линияларнинг нархларини ўзгаришига жавоб тариқасида ишга тушиши мумкин. Маршрутлаштириш алгоритмларини таснифлашнинг учинчи усули алгоритм ўта юкланишга сезгирлиги бўйича аниқланади. Ўта юкланишга сезгир алгоритмда линияларнинг нархлари мос линиялардаги ўта юкланишнинг жорий даражасини акс эттириш билан динамик ўзгаради. Агар вақтинчалик ўта юкланган линия орқали юқори нарх ҳосил қилинса, маршрутлаштириш алгоритми ўта юкланган линияни айланиб ўтиш маршрутларини танлашга ҳаракат қиласи. Бугунги кунда Интернетда ўта юкланишга сезгир бўлмаган алгоритмлар (RIP, OSPF ва BGP) қўлланилади, чунки линиянинг нархи ўта юкланишнинг жорий (ёки яқинда бўлиб ўтган) даражасини акс эттирмайди. Интернетда фақат иккита линияларнинг ҳолатларига асосланган динамик глобал алгоритм ва динамик марказлаштирилмаган масофавий векторли алгоритмлар турлари ишлатилади.

*Маршрутизация усуллари.* Маршрутизация протоколлари Интернет протоколларнинг жадал ривожланаётган энг мураккаб гурухидир. Маршрутизация деганда ахборот юборувчидан олувчига бўлган йўлларни энг оптималини қидириш масаласи ечими тушунилади. Бу масалани ечадиган ускуна маршрутизатор дейилади. IP тармоқларда(Интернет ва бошқаларда) маршрутизациянинг бош параметри IP протоколидаги адресдир. Интернет тармоғи ўзаро боғлиқ автоном тизим ёки доменлар йифиндисидек ташкил қилинган. *Автоном тизим* ўз ичига IP тармоқларни киритади, улар битта

маъмурий бошқарув ва умумий маршрутизация сиёсатига(policy routing) эга. Домен чегарасида ички маршрутизация протоколлари (Interior Gateway Protocol, IGP) ишлатилади, улар ўртасида ташки маршрутизация протоколи(Exterior Gateway Protocol) ишлатилади.

Маршрутизацияни ўрганганда иккита муаммога эътибор берилади:

- маршрутизация сиёсати билан боғлиқ бўлган ва масофа вектори (distance vector) ҳамда каналлар ҳолати (link state) билан боғлиқ бўлган тармоқдаги маршрут ҳақидаги маълумотларни аниқлаш ва тарқатиш;
- босқичма-босқич маршрутизация (hop-by-hop routing) алгоритмлари ва манба маршрутизацияси (source specified routing) билан аниқланадиган пакетларни ўрнатилган маршрутлар бўйича жўнатувчидан қабул қилувчига жўнатиш.

*«Масофа вектори» алгоритми* маршрутизацияда иштирок этган ҳар бир объект (маршрутизатор) ўз маршрут базасида тармоқнинг ҳамма адреслари ҳақида ахборотни ва ахборот қабул қилувчига бўлган масофа метрикасини сақлашга асосланган. Объектлар ўzlари ўртасида маршрут базалари билан алмашишади. Пакет узатиш маршрути ҳақида қарор қабул қилишда объектга бўлган ҳар бир йўл баҳоланади ва энг яхиси танланади. Бу алгоритм маршрутизациянинг RIP (Routing Information Protocol) ва IGRP (Interior Gateway Routing Protocol) протоколларида амалга оширилган.

*Каналлар ҳолати алгоритми* шундан иборатки, биринчи босқичда ҳар бир объект топологик база (link state database)ни шакллантиради ва тармоқни ҳар бир алоқаси (канали) ўз метрикаси билан тавсифланганини хисобга олиб унинг топологиясини тасвирлаб берувчи тармоқлар алоқаси графигини тузади. Объектлар база билан алмашиши тармоқ ҳақидаги маълумотларни янгилашади. Иккинчи босқичда объект ҳар бир унга маълум тармоққа оптимал йўлни аниқлаш муаммосини ҳал қиласди. Бу алгоритм OSPF (Open Shortest Path First) ва EIGRP (Enhanced IGRP) протоколларида амалга оширилган.

*Босқичма-босқич маршрутизация.* Бу усулда ҳар бир маршрутизатор олувчи адреси асосида пакетни юргизади ҳамда маршрут базасидаги ахборот ҳақида мустақил қарор қабул қиласи.

*Манбадан бошланган маршрутизация.* Маршрут пакет жўнатувчи томонидан шаклланади ва тармоқка жўнатиладиган ҳар бир пакетга ёзилади.

*RIP протоколи.* RIP протоколи кичик домен учун мўлжалланган ички маршрутизация протоколидир. Протоколнинг биринчи версияси RFC 1058 билан, иккинчиси эса-RFC 1722 билан стандартизациялашган. Маълумотларни узатиш учун RIP UDP протоколини(520 порт) ишлатади. RIP маълумотлари тармоқни IP адреси ва унгача бўлган қадамлар(маршрутизатор) сонидан иборат. +адамларнинг максимал сони 15га teng. RIPнинг битта маълумотида 25 тармоқ ҳақида ахборот бўлиши мумкин. RIP ишлайдиган маршрутизатор бошқа маршрутизаторлардан RIP хабарларни олиб? ўз маршрутизация жадвалини ташкил қиласи, унда бошқа тармоқларга йўллар кўрсатилган. RIP хабарлар билан алмасиб маршрутизаторлар ҳар 30 с да ўз маршрутизация жадвалларини янгилашади ва улар ёрдамида тармоқ бўйича пакетларни юргизишни амалга оширади.

Протокол камчиликлари:

- ҳар доим ҳам энг самарали маршрут танланилмайди;
- секин бирлашиши сабабли мантиқий ҳалқалар пайдо бўлади ва маршрутизатор ишида тўхташдан сўнг жадваллар секин тикланади;
- тармоқни юклайдиган хизмат ахборотининг йирик миқдордаги кенг миқёсли узатишлари ишлатилади;
- маршрутизация домени ўлчами чегаралангандан(15та ўтишлар);
- тармоқ ости адреслар билан ишламайди ва автоном тизимларни фарқлайди.

*OSPF протоколи* RFC 1370, 1578, 1793, 1850, 2328 да стандартлаштирилган. Каналлар ҳолати алгоритмини ишлатиб, ички ва ташқи маршрутизация учун қўлланилади. Бир нечта зоналардан ташкил топган

автоном тизимга хизмат кўрсатиши мумкин. OSPF протоколи RIP протоколига нисбатан анча самаралидир. OSPF ишлайдиган маршрутизатор хизмат кўрсатиш сифатини тавсифлайдиган метрика билан тармоқ трафигини таҳлил қилиб маршрутлар оптимизацияси муаммосини ҳал қиласди. Метриканинг асосий параметрлари-ўтказиш қобилияти, тўхташ, ишончлилик, қўшимча параметрлар-канал юкланиши, хавфсизлик. Маршрутизаторлар маълумотлар билан фақатгина тармоқ топологияси ўзгарганда алмашадилар. RIP га қараганда OSPF тезроқ маршрут жадвалини ўзгартиради.

OSPF асосий афзалликлари:

- тармоқ топологияси ўзгарганда қисқа маълумотларни гурух қилиб узатиши қўллаш, бу тармоқни самарасиз юкланишини пасайтиради;
- ўтказиш қобилиятига қараб параллел каналлар бўйича ахборот тақсимлашни қўллаб-қувватлаш, бу тармоқнинг яхлитликдаги фаолиятини яхшилайди.

*IGRP ва EIGRP протоколлари.* Бу протоколлар Cisco Systems фирмаси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ички маршрутизация учун ишлатилади.

IGRP «масофа-вектори» алгоритмини ишлатади, RIP протоколига нисбатан яхшироқ хусусиятларга эга, хусусан

- мураккаб топология тармоқларида ишончли ишлайди;
- RIP га нисбатан яхшироқ бирлашувга эга;
- хизмат ахборотнинг узатиш ҳажмини аҳамиятли пасайтиради;
- бир хил метрикали каналлар ўртасида ахборот тақсимлайди.

Протокол метрикасига каналнинг қўйидаги параметрлари киради: узатиши қобилияти, тўхташ, юкланиш, ишончлилик. Бу параметрлар кенг чегарада ўзгариши мукин. Масалан, ўтказиш қобилияти 1200бит/с дан 10Гбит/с гача ўзгариши мумкин.

EIGRP –масофа-вектори ва каналлар ҳолати алгоритмларининг ҳамма афзалликларини бирлаштирувчи протоколдир. Протокол тақсимланган янгиланиш алгоритми(Distributed Update Algorithm,DUAL) асосида амалга

оширилган. Бу алгоритм маршрутизаторга тармоқ топологияси ўзгаришидан кейин маршрутизаторга ишни тез тиклашга имконият беради. Протокол күйидагиларга эга:

- қўшнини топиш имконияти;
- DUAL алгоритми;
- IPда хабарлар инкапсуляцияси такомиллашган механизми.

Маршрутизатор, биринчи навбатда, бевосита боғлиқ бўлган ўз «қўшни»-маршрутизаторга етишни аниқлайди. Бунинг учун у вақти-вақти билан Hello пакетини жўнатади. Кейин эса DUAL алгоритми «қўшнилардан» маршрут ҳақида олинган ахборотга асосланиб маршрутизация ҳалқаси қисми бўлмаган юкланиш узатишнинг оптимал маршрутини аниқлайди.

*EGP ва BGP протоколлари* Интернет тармоғининг ташқи маршрутизация протоколларига тегишли. EGP ёрдамида маршрутизациянинг ички протоколлари ёрдамида тизим ҳақида ахборот йиғувчи турли автоном тизимларни ажратилган маршрутизаторлари ишлайди. EGP камчиликлари күйидагилардир: метрика ишлатилмайди, яъни интеллектуал маршрутизация бажарилмайди; маршрутлар ҳалқаси пайдо бўлиши кузатилмайди; хизмат хабарлар катта ўлчамга эга.

Сўнгги пайтларда EGP ўрнига янада такомиллашган BGP протоколи қўлланилмоқда. У, ўз навбатида, хизмат хабарларини узатиш учун TCP протоколини ишлатади. Бу автоном тизимлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамлигини оширади, чунки TCP маршрут ахборотини етказишни кафолатлаб беради. BGPда EGP протоколи камчиликлари тўлиқ бартараф этилади. Метрика сифатида каналда узатиш тезлиги, унинг ишончлилиги ишлатилади. Бугунги кунда BGP(Зта версия) бу узок масофадаги автоном тизимларга маршрутларни аниқлаб берувчи Интернет тармоғининг асосий протоколи.

## **Анъанавий маршрутлаш протоколларини камчиликлари**

Анъанавий маршрутлаш протоколлари Дийкстр ва Беллмана–Форда

Алгоритмлари асосида қисқа йўлни (маршрутни) аниқлайди. Ушбу алгоритмлар сифат кўрсаткичларини инобатга олмайди. Сифат кўрсаткичларига пакетни кечикиш вақти, пакетни йўқолиш эҳтимоли, джиттер ва бошқа кўрсаткичлар киради.

Ахъанавий маршрутлаш протоколларида тармоқ қурилмаларини юкламаларини баланслаш имконияти йўқ.

### **QoS-маршрутлаш концепциялари**

1. Source routing – манбадан маршрутлаш.
2. Route Server ( RS) – маршрутлаш сервери.
3. Precomputed routing ( PR) – олдиндан маршрутни хисоблаш.

Замонавий тармоқларда маршрутлаш протоколларига талаблар

1. QoS-маршрутлаш концепцияси жавоб бериш керак.
2. Load-Balancing Routing – тармоқ қурилмаларини юкланишларини баланслаш.
3. Маршрутлаш масаласи тармоқ тугунларида пакетларга хизмат кўрсатиш ва тармоқ ресурсларини резервлаш масалалари билан комплекс равишда бажарилиши керак.

### **Оптимал маршрутлаш масаласи**

Маршрутлаш масаласида қўйида шартлар бажарилиши керак.

Оқимларни сақланиш шартлари:

$$\begin{cases} \sum_{j:(i,j) \in E} x_{ij}^k - \sum_{j:(j,i) \in E} x_{ji}^k = 1, & k \in K, i = s_k \\ \sum_{j:(i,j) \in E} x_{ij}^k - \sum_{j:(j,i) \in E} x_{ji}^k = 0, & k \in K, i \neq s_k, t_k, \\ \sum_{j:(i,j) \in E} x_{ij}^k - \sum_{j:(j,i) \in E} x_{ji}^k = -1, & k \in K, i = t_k. \end{cases} \quad (1)$$

Алоқа каналини перегрузкага тушмаслик шартлари:

$$\sum_{k \in K} d_k x_{ij}^k \leq c_{ij}. \quad (2)$$

Яримдуплекс и дуплексн каналларыда пакетларни циклга тушмаслик шартлари:

$$x_{ij}^k \cdot x_{ji}^k = 0, \quad (i,j) \in E, \quad k \in K. \quad (3)$$

Бир йўлли маршрутлашда  $x_{ij}^k$  ўзгарувчи:

$$x_{ij}^k \in \{0, 1\}, \quad (4)$$

Қийматларни қабул қилиши мумкин, кўп йўлли маршрутлашда эса:

$$0 \leq x_{ij}^k \leq 1. \quad (5)$$

қийматларни қабул қилиши мумкин.

### **Оптималаштириш мезонлари**

1. Нарх функциясини минималлаштириш:

$$\min \sum_{(i,j)} f_{i,j} x_{i,j}, \quad (6)$$

бу ерда хар бир каналга IGRP бўйича мезон тайинланади:

